ОБЛАСТИМИЗ 340 МИНГ ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 206 (697)

19 ОКТЯБРЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

☆ ☆ ☆ ☆

25 октябргача 400 минг тонна пахта топшириш ва йиллик планни 7 ноябргача, социалистик мажбуриятни 20 ноябргача бажариш учун бутун кучимизни сафарбар этайлик!

Республикамиз давлатга 2 миллион тонна пахта топширди

Шу кунларда халқимиз гоят қувончли ва шодиёна ҳис-туйғулари билан яшамоқда, яқинлашиб келаётган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш билан меҳнат қилмоқда.

Россия Федерацияси ва Қозоғистон колхоз ва совхозлари бу йил мамлакатга 3 миллиард пуддан кўпроқ ғалла топшириб, ўз социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. РСФСР ва Қозоғистон ғаллакорларининг шонли ғалабаси бутун халқимизни қувонтирмоқда. Республикамиз пахтакорлари, шу жумладан Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари РСФСР ва Қозоғистон ғаллакорларидан ўрнак олиб, пахта тайёрлаш юзасидан олган ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Кеча матбуотда Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистонда 17 октябргача 2 миллион тонна пахта тайёрланганлиги ҳақидаги хушхабар эълон қилинди. Бу ўтган йили шу вақтгача тайёрланган пахтадан 436 минг тонна кўпдир.

Қўлга киритилган бу дастлабки муваффақият республикамиздаги колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, барча меҳнаткашларнинг пахтачиликни кескин равишда юксалтириш юзасидан партия ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш йўлида фидокорона қилган меҳнатлари натижасидир.

Республикамизда 17 октябргача 2 миллион тонна пахта тайёрланган экан, бунда Тошкент область пахтакорларининг ҳам қўшган ҳиссалари бор. Область пахтакорлари давлатга 340 минг тонна пахта топширдилар. Мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятимизни бажариш учун яна 160 минг тонна пахта тайёрлаш керак. Областимизнинг колхоз ва совхозлари 7 ноябргача давлат пахта тайёрлаш планини, 20 ноябргача ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун барча имкониятларга эгадирлар. Пахта йиғим-теримини муваффақиятли олиб бораётган илғор колхозларнинг тажрибаси буни яққол исбот этади.

Мирзачўл районидаги Энгельс номли колхоз областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш давлат планини бажарди ва ҳозир социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Боёвут районидаги Молотов номли колхознинг аъзолари 15 октябргача 1225 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 23 центнер ўрнига, 25 центнердан пахта топшириб, йиллик планини ошириб ado этдилар. Колхоз шу кунгача ўтган йилдагига нисбатан ҳар гектар ердан 7 центнердан ошириб пахта йиғиб олди, пахтанинг ўзидан 8 миллион сўм даромад қилди. Колхоз аъзолари ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта топшириш тўғрисидаги социалистик мажбуриятларини Улуғ Октябрь байрами кунигача бажариш учун йиғим-терим ишларини янада кучайтириб юбордилар.

Пахта тайёрлаш илғорларининг муваффақиятини, терим ҳаҳрамонларининг фидокорона ишларини кўрсаталиган фактларни деярли ҳар бир райондан келтириш мумкин. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарларининг вазифаси — илғорлар тажрибасини кенг қўлланиб, пахта тайёрлашда умумий юксалишга эришишдан, бутун кучни йиллик планни улуғ байрамгача ва социалистик мажбуриятни 20 ноябргача бажариш учун курашга сафарбар этишдан иборатдир.

Кузнинг жуда яхши келганлиги туфайли ҳозирги вақтда пахтаси текис очилмаган биронта карта қолмади. Олтин кузнинг очиқ ҳаво ва илиқ кунлари йиғим-теримни муваффақиятли ўтказишда жуда катта муруват кўлмоқда. Пахтакорлар, шаҳарлардан ва район марказларидан ёрдамга чиққан хашарчилар нам тегмаган чаноқларда лўппи бўлиб очилган пахталарни тезроқ териб олиш, бугун кечагидан, эртага бугунгидан ҳам яхшироқ ишлаш, Октябрь байрамини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун мусобақалашмоқдалар. Демак, бу йилги шароитда пахта йиғим-теримини бирор ерда бўлсин кечиктиришга, давлатга пахта топширишда озгина бўлса ҳам орқага қайтишга ҳеч қандай асос йўқ. Бироқ, областимиздаги бир қатор районларда пахта тайёрлаш суръатини кескин ошириш учун мавжуд бўлган ишчи кучлари тўла ишга солинмаётир.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бундан илгариги сонида босилган мусобақадош Ўртасарой ва Янгийўл районлари ҳақидаги материаллар кўринди турибдики, биргина Янгийўл район колхозларида 2500 дан ортиқ киши ва 75 та пахта териш машинаси теримда қатнашмаётир. 2100 гектар пахта майдонига эга бўлган Ленин номли гигант колхозда 400 га яқин кишининг пахта теримига жалб этилмаганлиги кечирилмаслик бир ҳолдир. Шунга қарамай, район раҳбарлари С. Мусаев ва У. Мусаев ўртоқлар пахта йиғим-теримида ишчи кучларини тўғри жойлаштириш, фойдаланилмаётган ички резервлар ва имкониятларни тўла ишга солиш масаласи билан жиддий шуғулланмаётирлар

Давлатга пахта топширишда солмоқли ўрин тутадиган областнинг совхозлари ҳам бор имкониятларидан фойдаланаолмасдан, пахта тайёрлашда колхозлардан кейинда қолиб келмоқдалар. Совхозларда пахта териш машиналаридан жуда ёмон фойдаланилмоқда. Бушуев номли, «Фарҳод», Булганин номли, 4- «Вревский» ва 1- «Далварзин» совхозларида пахта йиғим-теримининг ниҳоятда қониқарсиз олиб борилмоқда.

Жуда кўп куч ва зўр уюшқоқлик талаб қиладиган йиғим-терим кампаниясининг бундан кейинги муваффақияти теримчилар ва пахта териш машиналарининг унумли ишлашига, йиғим-теримга моҳирлик билан конкрет ва оператив раҳбарлик қилишга боғлиқдир. Ҳозир ҳамма нарса — бутун куч ва моддий-техника воситалари, оммавий-сиёсий ва ташкилий ишлар етиштирилган мўл ҳосилни сўнгги кўрагигача сира побуд қилмай йиғиб-териб давлатга топширишга бўйсиндирилиши керак. Халқ бойлиги, шон-шарафи бўлган пахтани ёғин-чочинга қолдирмай жуда қисқа муддатда йиғиб-териб олиш учун биржон-бирдан бўлиб курашиш, ганимат кунларнинг ҳар бир соатидан унумли фойдаланиб, фидокорона меҳнат қилиш — областимиз меҳнаткашларининг муқаддас бурчидир.

Пахта териш ва тайёрлашнинг энг масъулиятли ва ҳал қилувчи ҳозирги даврида теримда ишлаётган кишиларга ғамхўрликни кучайтириш, уларга пул ва натура авансларини ўз вақтида бериб бориш — меҳнат унумини оширишнинг, колхоз ва совхозларда пахта теримига тортилмай қолган ишга яроқли барча аҳолини теримга жалб этишнинг энг муҳим ва асосий шартларидан биридир. Теримчиларга пул ва натура авансларини ўз вақтида бермай, бошқа мақсадлар учун сарф қилаётган колхоз ва совхоз раҳбарлари пахта териш ва тайёрлаш суръатини тезлатишга тўсқинлик қилаётган кишилар сифатида фош қилиниши ва қаттиқ жавобгарликка тортилиши керак.

Бутун кучни Улуғ Октябрь байрамигача пахта тайёрлаш давлат планини ва 20 ноябргача мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятимизни бажаришга сафарбар этайлик!

Н. А. Булганин Афғонистон бош министри Сардор Муҳаммад Довудни қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 18 октябрда Кремлда Афғонистон бош министри Сардор Муҳаммад Довуд Ҳазрат Олийларини қабул қилди.

Сардор Муҳаммад Довудга бош министрнинг биринчи ўринбосари Сардор Али Муҳаммад, ички ишлар министри Абдул Ҳаким, Афғонистон ташқи ишлар министрлиги умум сиёсий департаментининг бошлиғи Абдул Раҳмон Пижвак, шунингдек Афғонистоннинг СССР даги элчиси Ғулом Яҳё Тарзий ҳамроҳ бўлдилар.

Қабул вақтида СССРнинг Афғонистондаги элчиси М. В. Дегтярь ҳозир бўлди. (ТАСС).

Афғонистон бош министри Сардор Муҳаммад Довуд Москвага келди

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Афғонистон бош министри Сардор Муҳаммад Довуд Ҳазрат Олийлари 17 октябрда Москвага келди.

У билан бирликда Бош Министрнинг Биринчи Ўринбосари Сардор Али Муҳаммад, Ички ишлар министри Абдул Ҳаким, Афғонистон Ташқи ишлар министрлиги умумий сиёсий департаментининг бошлиғи Абдул Раҳмон Пижвак, Кон ишлари ва саноат Министрининг ўринбосари Султон Аҳмад Попол, Миллий экономика министрлиги Савдо бошқармасининг бошлиғи Муҳаммад Сарвар, Кобил радиосининг директори Абдулрауфхон Бинавий, деҳқончилик министрлигининг вакили Вокил Абдул, Кобил университети медицина факультетининг декани Муҳаммад Усмон Анварий ва Афғонистоннинг бошқа расмий шахслари ҳам Москвага келдилар.

СССРнинг Афғонистондаги Элчиси М. В. Дектярь, СССР Ташқи ишлар министрлиги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлими мудири вазифасини бажарувчи А. П. Павлов, Армия генерали И. В. Тюленев, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлими мудирининг ўринбосари К. А. Кочетков, шунингдек Афғонистоннинг СССРдаги Элчиси Ғулом Яҳё Тарзий ва Элчихонанинг иккинчи секретаря Муҳаммад Ҳошим Вали меҳмонларга Сталинободдан пойтахтга қадар ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Москва меҳнаткашлари қўшни дўст мамлакат ҳукуматининг бошлиғини ва афғонистонлик бошқа меҳмонларни ҳурсандлик билан кутиб олдилар ва эрксевар ҳамда мард Афғонистон халқини улар орқали табрикладилар. Совет пойтахтининг марказий кўчалари байрам тусини олган эди. Афғонистон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари флагштокларда ҳилпиллаб турибди. Икки тилда — пушту ва рус тилларида: «Дўст Афғонистоннинг бош министри Муҳаммад Довудга салом!», «Яшасин Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик!», «Мустақил Афғонистон мустаҳкамлансин ва яшнасин!» деган сўзлар алвонларга ёзиб қўйилган.

Пойтахтдаги корхоналар, муассасалар, жамоат ташкилотлари колективларининг жуда кўп вакиллари Афғонистон ҳукуматининг бошлиғини ва Афғонистон делегациясининг бошқа аъзоларини кутиб олмоқ учун Марказий аэродромда тўпландилар.

Афғонистон ҳукуматининг бошлиғини кутиб олмоқ учун СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Н. С. Хрушчев, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, Г. К. Жуков ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, СССР Министрлари П. Я. Антропов, В. Г. Бакаев, Б. П. Бещчев, М. А. Евсеенко, В. П. Елютин, В. П. Зотов, И. Г. Кабанов, М. А. Лесечко, Н. А. Михайлов, Иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, Совет Иттифоқи маршали С. С. Бирюзов, Армия генерали И. А. Серов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов, Гражан ҳаво флоти бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Н. А. Захаров, Москва Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Г. Зайцев, СССР Министрлар Советининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг расмий ходимлари ва бошқа расмий шахслар, шунингдек Москва шаҳри коменданти генерал-майор И. С. Колесников Афғонистон ҳукумати бошлиғини кутиб олмоқ учун келдилар.

Кутиб олувчилар орасида Москва жомиъ мачитининг имом хатиби Қамариддин Солихов, мачит имоми Аҳмеджон Мустафин ҳам бор эдилар.

СССРдаги чет эл дипломатик вакилларининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари, радио, кино хроника ходимлари ҳам аэродромда тўпланган эдилар.

Самолёт аэродром тепасида пайдо бўлади. Кумушдек машина аэродромга қўниб, кутиб олувчилар тўпланган жойга келади. Сардор Муҳаммад Довуд самолётдан тушади. Ўртоқ Н. А. Булганин, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари Сардор Муҳаммад Довуд билан қизғин кўл беришиб кўришадилар.

Мактаб ўқувчилари меҳмонларга гул дасталар тақдим қиладилар. Фахрий қоровул бошлиғи Сардор Муҳаммад Довудга рапорт беради. Афғонистон ва Совет Иттифоқи Давлат гимнлари аэродромда янгирайди.

Сардор Муҳаммад Довуд ва Н. А. Булганин саф тортиб турган Фахрий қоровул олдидан ўтадилар. Афғонистон ҳукуматининг бошлиғи министрлар ва бошқа расмий шахслар билан, дипломатик корпус вакиллари билан саломлашади. Сўнгра Сардор Муҳаммад Довуд микрофон олдига келиб нутқ сўзлайди.

Сардор Муҳаммад Довуд нутқи

Дўст қўшни мамлакатга келиш имкониятига эга бўлганлигим учун гоят ҳурсандман, биз бу мамлакат билан узоқ йиллардан бери яхши, дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларида бўлиб келмоқдамиз.

Мен кези келганлигидан фойдаланиб, афғон халқи номидан Совет Иттифоқи халқига дўстона салом, бахтиёрлик истаб, яхши ва самимий тилак тоширамман.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати дўстона таклиф юборганлиги учун астойдил ташаккур айтаман. Бу юборилган дўстона таклиф менга ва менинг йўлдошларимга мамлакатингиз раҳбарлари билан шахсий алоқада бўлиш ва Совет Иттифоқининг халқи билан яхшироқ танишиш натижасида Афғонистон халқи ва ҳукуматининг бизнинг дўст ва қўшни мамлакатларимиз ўртасида қадим вақтлардан бери давом қилиб келаётган дўстлик муносабатларини сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат истагини яна таъкидлашим учун имконият беради.

Бу хайрли тасодиф ҳар иккала мамлакатнинг истагига мувофиқ, Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстликни таъкидламоқ ва мустаҳкамламоқ ҳамда мамлакатларимиз халқларининг ўзлари учун бахтиёрликка ва тинч турмуш кечиришга бўлган умумий интилишларини таъминламоқ учун, шунингдек бутун дунёда тинчлик ва бахтиёрлик соясида ҳамма мамлакатлардаги халқлар ва миллатлар ўртасидаги доимий дўстона муносабатлар вазиятида бутун дунё халқлари учун бахтиёрлик ва тинч турмуш кечиришни таъминламоқ учун фойдали бўлиб чиқишига аминман.

Менинг самимий ҳисларимни ва энг яхши истакларимни қабул қилгайсиз.

☆ ☆ ☆

Меҳмонлар аэродромдан чиқиб ўзларига ажратиб қўйилган резиденцияга томон йўл оладилар. Москва кўчаларида тўпланган мингминглаб москваликлар очиқ машинада ўтиб бораётган Афғонистон давлатининг бошлиғи Сардор Муҳаммад Довудни ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинни, шунингдек улар кетидан машиналарда бораётган бош министр ҳамроҳларини ҳамда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларини қизғин қарсаклар билан табриклаб турдилар. (ТАСС).

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Узбекистон ССРда «мева дарахтлари ўтқазиш ойлиги»ни ўтказиш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1956 йил 30 июнда «Мева, резавор мева ва узум етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш тўғрисида» деб чиқарган қарорини муваффақиятли бажариш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

1. 20 октябрдан бошлаб республикада «Мева дарахтлари ўтқазиш ойлиги» эълон қилинсин.

2. Ойлик даврида қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг куч-ғайратлари мевали дарахтлар ўтқазиш, боғ ва токзорларни тиклаш, парвариш қилиш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ҳамда кўчат ўтқазилган жойларнинг теварагини деворчалар, чийқўра билан тўсиш ва 1957 йил кўкламида янги боғ, токзорлар барпо қилиш учун замин тайёрлашга қаратилсин.

3. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат товарлари саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, облисполкомлар, шаҳар ва район партия комитетлари, шаҳар ва район ижрокомлари колхозларга, совхозларга, ёрдамчи хўжаликларга, мактаб ва даволаш муассасаларига, колхозчилар, ишчилар ҳамда хизматчиларга янги боғлар ва токзорлар барпо қилиш учун уларга ўз вақтида ер участкалари ажратиб беришда, ҳеч мониъсиз кўчат материаллари ва дориворлар сотиб олишларида зарур ёрдам уюштиришга мажбур этилсинлар.

4. Шаҳарларни, ишчи поселкалари ва қишлоқларни, кўчалар ҳамда майдонларни, завод ва мактаб ҳовлиларини кўкаламзорлаштиришда республикадаги барча комсомоллар, пионерлар, мактаб ўқувчилари ва ҳамма ёшларнинг ташаббусига бошчилик қилиш ҳамда шу йил ва келаси йилда камида 100 минг гектар майдонга мевали дарахтлар, ток ва резавор мева дарахт кўчатлари ўтқазиш тўғрисидаги ВЛКСМ Марказий Комитетининг чақириғини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига топширилсин.

5. «Мева дарахтлари ўтқазиш ойлиги» ўтказишга алоқадор тадбирларнинг бажарилишини газета саҳифаларида кенг ёритиб бориш «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони сурх» газеталарининг редакторларига ҳамда область ва район газеталари редакцияларига топширилсин.

Анвар Эгамназаров бригадаси гектаридан 36 центнердан пахта топширди

Шу йил баҳорда Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада аъзоларининг 83 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта топширишни тўғрисида хабар босилган эди. Шунда бригада аъзолари пландаги 36 ўрнига гектаридан 40 центнердан пахта топшириш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбурият олган эдилар. Азамат пахтакорлар ёз бўйи астойдил меҳнат қилдилар. Далаларда мўлжалдаги ҳосил етиштирилди.

Пахта пишиб очилган биринчи кунлардан бошлаб, бригада графикни ошириб бажарди. Кеча Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 36 центнердан пахта топширганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Шу кунларда илғор пахтакорлар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажариш, яна гектаридан 6,5 центнердан пахта топшириш учун ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

— Биз ўз мажбуриятимизни, — дейди ўртоқ Эгамназаров, — Улуғ Октябрь байрами кунигача шараф билан ado этамиз. Шу билан бирга келгуси йил мўл ҳосили учун ҳам мустаҳкам замин тайёрлаб қўямиз.

Ф. УМАРОВ.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози.

Қозоғистон КП Павлодар область комитетига ва область ижроия комитетига

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Павлодар области колхозлари ва совхозларининг қўриқ ҳамда бўз ерларни ўзлаштириш юзасидан катта ишлар қилганликларини, экин майдонини анча кенгайтирганликларини, дон экинларидан яхши ҳосил етиштирганликларини ва давлатга 71. 4 миллион пуд ғалла топширганликларини қониқиш билан таъкидлайдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Павлодар областининг колхозчиларини, МТС ва совхозларнинг ходимларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия ва совет ходимларини ҳамда барча меҳнаткашларини эришилган муваффақиятлар билан табриклайдилар ва улар ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун бундан буён ҳам астойдил курашадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС Курган область комитети ва область ижроия комитетига

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Курган области колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан катта ишлар қилганликларини қониқиш билан таъкидлайдилар. Дон етиштиришнинг кўпайтирилиши колхозларга ва совхозларга ғалла тайёрлаш давлат планини муваффақият билан бажариш, пландан ташқари 11,8 миллион пуд дон топшириш ва топширилган ҳамма ғалланинг миқдорини 65,3 миллион пудга етказиш, юқори ҳосилли 1954 йилдагига қараганда 11,0 миллион пуд кўп ғалла топшириш имконини берди.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Курган областининг колхозчиларини, МТС ва совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия ва совет ходимларини ҳамда барча меҳнаткашларини дон етиштиришни кўпайтиришда эришилган муваффақиятлар билан табриклайдилар ҳамда улар КПСС XX съездининг барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги қарорларини бажариш учун бундан буён ҳам зўр ғайрат билан ишлашларига ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Тошкент области луб экинлари экувчи районларининг колхозчилари, МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет ходимларига

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент областидаги луб экинлари экувчи районларнинг колхозчилари, МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет ходимлари, барча меҳнаткашларини луб экинлари тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганликлари билан табриклайдилар.

Областнинг луб экувчи колхозлари луб экинлари тайёрлаш планини анча ошириб бажардилар ва ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни бажардилар.

1956 йилнинг 16 октябригача Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ район колхозлари жут пояси ва каноп тайёрлаш планини 114,2 процент бажардилар ва давлатга пландан ташқари 12 минг 488 тонна луб экинлари хом ашёси топширдилар. Юқори Чирчиқ районининг луб экинлари экувчи колхозлари жут ва каноп тайёрлаш планини 135,7 процент бажариб, катта муваффақиятни қўлга киритдилар.

Область колхозлари бутун тайёрланган хомашёнинг 80 процентини давлатга кўк луб ҳолида топширдилар. Тайёрланган луб экинларининг 96 проценти яхши сортли поя ҳолида топширилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу нарсани мамнуният билан қайд этадиларки, Ўзбекистон ССРда луб экинлари етиштириши кўпайтириш соҳасида эришилган ана шу муваффақиятлар Партия ва Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш юзасидан белгилаган тадбирларини амалга ошириш учун колхозчилар, МТС ходимлари олиб борган фидокорона меҳнат натижасидир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент областидаги луб экинлари экувчи районларнинг колхозчиларига, МТС ходимларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, партия ва совет ходимларига, барча меҳнаткашларига область қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар тилайдилар ва улар ўз фидокорона меҳнатлари билан луб экинлари етиштиришни кўпайтириш ишига янги ҳисса қўшадилар, жут ва каноппан етиштирилган бутун ҳосилни топшириш юзасидан олган қўшимча мажбуриятларини бажарадилар, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини топширишни мудлатидан илгари тугаллайдилар, 1957 йил баҳорги экиш учун ерни ўз вақтида шудгор қилиб қўядилар ва чорва қишловини муваффақиятли ўтказадилар деб ишонч билдирадилар.

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Совет ва япон мухтор вакилларининг кенгаши

17 октябрда СССР Ташқи ишлар министрлигининг конференция залида совет мухтор вакили А. А. Громико билан япон мухтор вакили Сюнити Мацумотанинг кенгаши давом этди. Кенгашда тегишли ҳужжатларнинг проектлари устида фикр олишув давом этди.

Кенгашда Совет ва Япон томонидан маслаҳатчилар ва экспертлар ҳозир бўлдилар.

СССР ОЛИЙ СУДИДА

Прокуратура органлари тақлимига мувофиқ, СССР Олий суди ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқинбой) ишини қайта кўриб чиқди, айблов ҳукми бекор қилинди ва Ўзбекистоннинг машҳур ёзувчиси Жўлқинбой оқланди.

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўзбекистон совет ёзувчилари Союзига ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқинбой) асарларини ўрганишни ва нашрга тайёрлашни топширди.

Рационализаторлар, ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторларининг Бутуниттифоқ кенгаши

17 октябрда Москвада Катта Кремль саройида рационализаторлар, ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторларининг ВЦСПС ҳамда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ихтирочилар ва қашфиёт ишлари Комитети томонидан чақирилган Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Залда халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги ишчилар, инженерлар, техниклар, фан ходимлари, министрликларнинг ва бошқармаларнинг, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакилларидан иборат 1500 га яқин киши ўтирибди.

Кенгаш президиумида машҳур ихтирочилар, ишлаб чиқариш новаторлари, шунингдек корхоналарнинг, партия ташкилотларининг раҳбарлари, СССР министрлари ўлтирибдилар.

Кенгашни ВЦСПС раиси ўртоқ **В. В. Гришин** очди. У, кенгашнинг мақсади оммавий ихтирочиликни ва рационализацияни ривожлантириш ишларини синчиклаб кўриб чиқиб, анализ қилишдан, бор камчиликларни танқид қилиб, бу ишни тубдан яхшилаш тадбирларини белгилаб беришдан иборатдир, деди.

КПСС XX съезднинг қарорлари муносабати билан рационализаторлик ва ихтирочилик ишини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида доклад қилиш учун СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ихтиролар ва қашфиёт ишлари комитетининг раиси ўртоқ **А. Ф. Гармашевга** сўз берилади.

— Бизнинг кенгашимиз — деди у,—партия XX съезднинг тарихий қарорларидан руҳланган бутун совет халқи бутун халқ хўжалигини янада зўр бериб юксалтиришнинг жуда катта вазифаларини муваффақиятли ҳал қилаётган шароитда чақирилди. Бу кенгашнинг чақирилганлиги—партия ва ҳукуматнинг олтинчи беш йиллик планни муваффақиятли бажаришда рационализаторлар, ихтирочилар ва новаторларнинг иштирок қилишига алоҳида катта аҳамият бераётганлигини кўрсатади.

Халқ хўжалигимизда техникани янада тараққий эттириш вазифаларини ҳал қилишда мамлакатимиздаги илмий-текшириш ва проектлаш ташкилотлари, конструкторлик бюролари ва завод лабораториялари билан бир қаторда ихтирочилар, рационализаторлар ва ишлаб чиқариш новаторлари ҳаракати жуда катта роль ўйнаши лозим. Улар ўтган беш йилликда янги муваффақиятларга эришдилар. Таклифларни жорий қилиш натижасида қўлга киритилган иқтисодий самара бир неча ўн миллиард сўмга етди. Ихтирочилар ва рационализаторларнинг сони икки баравардан ҳам зиёдроқ кўпайди. Тоширилган ва жорий этилган таклифларнинг сони бир ярим баравар ошди. Новаторларнинг ижодий фаолияти маблағларни тежашгагина имкон бериб қолмай, шу билан бирга техника даражасини ва меҳнат унумдорлигини оширишга, меҳнатни осонлаштиришга ҳам имкон берди.

Кейинги йилларда совет илғор олимлари ва инженерлари, ихтирочилар ва рационализаторлар атом ичидаги энергиядан фойдаланиш, ҳаддан ташқари тез учадиган реактив самолётлар, жуда тез ишлайдиган ҳисоб-саноқ машиналари, яғни синтетик материаллар яратиш, радиолокацияни, теле бошқаришни ривожлантириш ва шу сингари соҳаларда жуда муҳим проблемаларни ҳал қилиб бердилар. Олимлар, инженерлар ва новатор ишчилар биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб, шахталарни жадаллик билан қазиш ва нефть қудуқларини жадал пармалаш, узлуксиз пўлат қуйиб туриш, металлургия ишлаб чиқаришида кислород ва буғ, ҳаво ёрдами билан металл қуйиш ва шу сингари ишларнинг методларини ишлаб чиқдилар.

Техникада принципиал янги йўллар очиб бераётган йирик ихтироларнинг аҳамияти жуда катта. Бироқ, унчалик катта бўлмаган минглаб ихтиролар, техникани такомиллаштирадиган юз минглаб таклифлар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Докладчи Ватанимиз саноатида техникани янада тараққий эттиришга ёрдам берган қимматли новаторлик ишларининг ташаббусчилари бўлган ва бутун мамлакатга донг чиқарган Павел Биков, Василий Колесов, Виталий Семинский, Александр Чутких, Генрих Борткевич, Иван Бридько, Евгений Шершневларнинг номларини тилга олади.

Оммавий ихтирочиликни ва рационализаторлик ҳаракатини ривожлантиришга катта аҳамият бераётган корхоналар оз эмас. Масалан, Кузнецк металлургия комбинатини шундай корхоналардан дейиш мумкин. Бу комбинатда бешинчи беш йилликда 12 мингдан кўпроқ таклиф жорий қилинди ва бунинг натижасида 80 миллион сўмдан кўпроқ пул тежалди. Уралмаш заводида ҳар тўрт ходимдан бири рационализатордир. Горький автомобиль заводи, Москвадаги Биринчи подшипник заводи, Харьков тепловозсозлик заводи, Сестрорецк инструментал заводи ва бошқа кўпгина заводлар мана шундай корхоналардандир.

Олтинчи беш йилликнинг биринчи йилида, яъни бу йил совет рационализаторлари ва ихтирочилари ўз ишларини кучайтириб юбордилар. Бу йилнинг биринчи ярмида тушган таклифларнинг сони 1955 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 21 процент кўпайди, рационализаторлар ва ихтирочиларнинг сони эса 23,5 процент кўпайди.

Сўнгра ўртоқ Гармашев айтдики, ихтирочиликни юксалтирмоқ учун, техникани тараққий эттирмоқ учун социалистик тузум яратиб бераётган имкониятлардан етарлик равишда тўлиқ фойдаланилмаётир. Рационализаторлар ва ихтирочиларнинг таклифлари жуда кечиктириб жорий қилинмоқда. Совет Иттифоқида шу йилнинг биринчи октябрига жорий қилинмасдан қолган ихтироларнинг сони 3 мингдан ошиб кетди ва фойдали деб топилган ва амалга ошириш учун қабул қилинган, лекин жорий қилинмасдан қолган рационализаторлик таклифлари ва техникани такомиллаштириш таклифларининг сони юз мингдан ошиб кетди. Шу ихтиролар ва таклифларни кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан боғлиқ бўлган ишларни рационализаторчилик ва ихтирочилик бўлимларига ва бюроларига батамом топширмаслик керак. Бу иш министрликлардаги, бош бошқармалардаги ва корхоналардаги техника раҳбарларининг ҳамиша диққат марказида туриши лозим, токи, новаторларнинг ташаббусига кенг йўл очилсин ва техникани тараққий эттирмоқ учун уларнинг бу ташаббусидан имкон борича кўп фойдаланилсин.

Докладнинг анчагина қисми ҳозирги вақтда ихтирочилар ва рационализаторлар, фан ва техника ходимлари олдида машинасозлик, қора ва рангли металлургия, кўмир саноати ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари соҳасида турган вазифаларга бағишланди.

Докладдан сўнг музокаралар бошланди.

Лихачев номидаги Москва автомобиль заводининг бош инженери ўртоқ **К. В. Строганов** биринчи бўлиб сўзга чиқди. У айтдики, заводдаги рационализаторлар ва ихтирочилар беш йил мобайнида техникани такомиллаштирадиган 30 мингтадан кўп таклифни ишлаб чиқаришга жорий қилдилар ва бунинг натижасида 160 миллион сўм тежалди.

Ленинград кемасозлик заводининг кема разметкачиси ўртоқ **К. С. Сабуров** кенгашда ўз иш тажрибаларини гапириб берди. У нормани 200—300 процент бажармоқда, рационализаторлик ишида актив қатнашмоқда. У 1949 йилдан бери техникани янгилайдиган 69 таклифни ишлаб чиқаришга жорий қилди.

Челябинск трактор заводининг новатори, термик цехининг бошлиғи ўртоқ **В. К. Черезов** сўзга чиқади. Челябинск тракторсозлари шу йилнинг 9 ойи ичи тўрт юзингтадан кўпроқ рационализаторлик таклифи киритдилар. Шу таклифлардан 2 мингтаси ишлаб чиқаришга жорий қилинди ва бунинг натижасида 80 миллион сўмдан кўпроқ пул тежалди. Уралмаш заводида ҳар тўрт ходимдан бири рационализатордир. Черезов техникани такомиллаштирадиган таклиф қабул қилинганлиги учун бериладиган мукофотнинг миқдорини белгилаш ва шу мукофотни тўлашда цех бошлиғининг ҳуқуқларини кенгайтириш зарурлигини айтди.

Бу мажлисдаги музокараларда Молотов номидаги Горький автомобиль заводи завкомининг раиси ўртоқ **М. В. Максимов** ва Москвадаги Калинин номли жун йигириш фабрикасининг бригадири ўртоқ **С. А. Котова** ҳам сўзга чиқдилар.

Кечқурунги мажлисда доклад юзасидан музокаралар давом этди. КПСС Ленинград область комитетининг секретари ўртоқ **С. П. Митрофанов**, Донбассдаги «Ветка глубокая» шахтасида кон казувчилар бригадасининг бошлиғи ўртоқ **П. М. Межарич**, Главмосстрой ишт терувчиларининг бригадири ўртоқ **В. П. Слободян**, «Ростсельмаш» строгальщиги ўртоқ **П. К. Колесников**, нефть саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси ўртоқ **В. А. Иванов**, СССР Қора металлургия министрининг ўринбосари ўртоқ **П. Е. Соколов**, оғир машинасозлик илмий-текшириш марказий институтининг директори ўртоқ **Е. П. Уликсов**, «Куйбишевгидрострой» рационализатор ва ихтирочилик бюросининг старший инженери ўртоқ **А. Я. Инякин**, транспорт ва оғир машинасозлик ишчилари касаба союзи Москва область комитетининг оммавий ишчи ихтирочилиги комиссиясининг раиси ўртоқ **И. Д. Казин**, Бутуниттифоқ темир йўл транспорти илмий-текшириш институти лабораториясининг раҳбари техника фанлари доктори ўртоқ **А. М. Брилеев** сўзга чиқдилар.

18 октябрда кенгаш ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

Н. А. Муҳитдинов Миср адабиётчилари делегациясини қабул қилди

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Муҳитдинов Ўзбекистонда меҳмон бўлган Муҳаммад Мандур жаноблари бошчилигидаги Миср адабиётчилари делегациясини қабул қилди.

Н. А. Муҳитдинов меҳмонларни табриклаб, уларнинг Ўзбекистонда бўлиши Миср ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга шубҳасиз ёрдам беришини айтди. Муҳаммад Мандур жаноблари ўз жавоб сўзида делегацияни яхши қабул қилиб олганликлари учун қизғин ташаккур билдирди ва Миср ва совет кишилари ҳаётига, шу жумладан, Совет Шарқи меҳнаткашлари ҳаётига қизиқиш катта эканлигини айтди.

Самимий суҳбат вақтида Миср билан Совет Иттифоқи республикалари ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Суҳбатда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари П. Сентов, Ўзбекистон совет ёзувчилари союзининг биринчи секретари С. Азимов ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

Н. А. Муҳитдинов Италия жамоат арбоблари делегациясини қабул қилди

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Муҳитдинов Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети таклифига мувофиқ СССРга меҳмон бўлаётган Италия жамоат арбоблари делегациясини қабул қилди.

Делегация аъзолари гўстона, эркин суҳбат вақтида Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти, республиканда экономика ва маданиятнинг ривожланиши масалалари билан қизиқдилар. Суҳбат давомида КПСС XX съезди қарорларининг бажарилиши билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳам тўхталинди. Делегация аъзолари ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан батафсил жавоб олдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари П. Сентов, тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитетининг раиси Ж. Қ. Хўжаев ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИМОҚДАЛАР

Тошкентдаги протез-ортопедия заводининг ишчилари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўз билимларини оширмоқдалар. Ишчиларнинг кўпчилиги кечки ва сиртқи олий ўқув юртларида ўқияпти. Жумладан, бухгалтерия ҳисматчиларидан Рая Иброҳимова Ўрта Осиё политехника институтининг сиртқи бўлимида, техника-контроль бўлимининг бошлиғи Анатолий Коган молия-иқтисод институтининг III курсида ўқимоқда. Дурадгор Григорий Кшинин ишлаб чиқаришда фидокорона ишлагани ҳолда кечки мактабнинг 10-синфида ўқиётир. Сергей Мальчиковский, Геннадий Комаров каби ёшлар ҳам ўз билимларини ошириш билан бирга, кундалик нормаларини 150-160 процентга етказиб адо этаётирлар.

А. КИМ.

«Подъёмник» заводининг фрезеровщиги ўртоқ Н. Фалеткин кундалик нормасини ошириб бажариш билан бирга корхонада актив рационализаторлардан бири ҳисобланади. Яқинда у фрезер станогида бирданига тўрт деталнн чархлаш мумкинлиги тўғрисида таклиф берди. **Суратда:** (чапдан) инженер-конструктор **П. Ватлин** ва **Н. Фалеткин** деталь ишлаб чиқариш процессини кўздан кечирмоқдалар.

В. Салов фотоси.

ИШЧАН ТЕХНОЛОГ

Фаридниг ажойиб бир ҳислати бор. У доим янгиликни излайди, тинмай олга интилади. Янги ўрнатиладиган машинанинг ишлаш принципини ёки янги технологик режимни техника қўлланмасидан ўрганар экан, у нуқул мазкур қўлланмада айтилган фикрларга таяниб қарайди, унинг назарида бу қўлланманинг қаеридир пухта ишланмагандек бўлади. Сўнг шу машина ёки технологик режимни синчиклаб ўрганади. Кекса мутахассис ишчилар, тажрибали мастерлар билан шу ҳақда кўп суҳбатлашади, уларнинг, айниқса, танқидий мулоҳазаларини эътибор билан тинглайди. Шундан кейин ўзича ўйлаб юриб, бирор янгилик киритади.

Технологлик — доим янгилик излашни, маҳсулот ишлаб чиқариш операцияларини такомиллаштирабориш тўғрисида тинмай қайғуришни талаб қиладиган касб. Шунинг учун ҳам Фарид «Ташкенткабель» заводига ишга кирганидан бир неча ой ўтар-ўтмас шу касбга қизиқиб қолди. Технолог бўлиш учун махсус билимга эга бўлиш — техникум ёки институтда ўқиб чиқиш керак. Шу мақсадда у завод ҳузуридаги электромеханика техникумига кирди ва 1949 йили ўқишни тамомлаб, техник-электрик мутахассислигига эга бўлди. Шундан кейин маъмурият уни юқори кучланишдаги токни ўтказадиган кабель ишлаб чиқарувчи цехга технолог қилиб тайинлади.

Шу тариқа у, бир ярим йил цех технологи бўлиб ишлаб юрди. Бу даврмобайнида у цех коллективининг ҳурматини қозонди, ёш бўлишига қарамай, ҳамма, ҳатто кекса мастерлар ҳам, унга Фарид Хасанович деб мурожаат қилишаларди бўлди.

Ёш, талантли технолог Фарид Камаевнинг ишлаб чиқариш технологиясига қатор қимматли янгиликларни дадиллик билан жорий этаётганини кўргач, завод раҳбарлари уни корхона техника бўлимига ўтказдилар. Бу ерда ишлаш цехлагига қараганда анча қийин бўлди. Цехда бирнеча ишчи ва мастерлар билан муомала қилган бўлса, энди бирнеча цехдаги технологлар билан иш кўриш керак. Улар ичида 10-15 йилдан бери шу касбда ишлаб келаётганлари ҳам бор. Фарид шуларга топшириқ бериши, бу топшириқни қандай қилиб тез, оз куч сарфлаб, сифатли қилиб бажариш йўлларини ўргатиши керак. Бу эса осон эмас!

У, касбдошлари ўртасида уялиб қолмаслик учун ғайрат кўрсатиб ишлади. Ишдан қайтгач, ярим кечагача турли техника адабиётларини, журнал ва газеталарда босилган прогрессив технологияга доир материалларни қунт билан ўқиди, бошқа корхоналарда эришилган техника янгиликларини диққат билан ўрганиб борди. Шунинг учун ҳам кўпинча бошқа технологлар ундан «қандай янгиликлар бор», «энди қандай янгиликни тавсия қилмоқчисиз» деб сўраб турадиган бўлиб қолишди.

Ўз устида чидам билан ишлаш, тажрибали технологлар иш услубини қунт билан ўрганиш натижасида ёш технолог Фарид Камаев завод техника бўлими ходимлари ўртасида ҳам катта обрў қозонди. Бир-икки йилда бу ерда ишлашнинг ҳадисини олгач, ўз техника билимини янада ошириш мақсадида Бутуниттифоқ сиртқи энергетика институтига кирди. Ҳозир бу институтнинг охирги курсида ўқимоқда.

Ҳам ўқиб, ҳам асосий бўлимда ишлаш оғирлик қилгач, 1954 йили яна аввалги цехга старший технологликка ўтди. Энди у бу ерда аввалгидан кўра кўпроқ янгиликлар киритиб бошлади. Шу йилнинг ўзида ўнта яқин технологик янгиликлар жорий қилди.

Яқинда битта изоляция-ўраш станогига белгиланган миқдордаги сим ўралгач, машинани тўхтаталиган счётчик-автомат монтаж қилинди. Тез кунда ишга туширилган вертикал қўрғошинли пресснн ўрнатиш зарурлигини ҳам Камаев қаттиқ туриб талаб қилган эди. Бу катта агрегатни ўрнатишда ҳам унинг анчагина меҳнати синиди.

Шунингдек, Камаев таклиф қилган бронлаш машиналарига кабельнинг қаерида дефекти борлигини аниқлайдиган ва уни станокни бошқараётган кишига кўрсатиб берадиган мослама ҳам катта қулайлик туғдирди. Бу тадбирларнинг ўзи мазкур участкаларда меҳнат унумдорлигини 10 процентга яқин оширишни, йилига бир неча ўн минг сўмлаб давлат маблағи сарфланадиган харажатларни қисқартириш, кўпгина электр қуввати ва металлни тежаш йўли билан маҳсулот таннархини бир неча процент камайтиришни таъминлади.

Камаев ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган янгиликларни ахтариб топиш ва уларни жорий этиш соҳасида тинмай ишлаш билан бирга, смена мастери И. Маринин, слесарь В. Лобанов, изоляцнячи З. Хасанова, қўрғошинчи Оришов, бронловчи Эгамбердиев ўртоқлар синфари ўнлаб мутахассисларга ўз малакаларини оширишда ҳам катта ёрдам бермоқда.

Фарид Камаев илғор технологгина эмас, шу билан бирга, у ташаббускор коммунист ҳамдир. Цех коммунистлари унинг ёш бўлишига қарамай, ишни эплаб кета олишига ишонган ҳолда, бу йил цех бошланғич партия ташкилотининг секретари қилиб сайладилар. Шундан бери ўтган вақт ичида цехда партиявий-ташкилий ишлар анча яхшиланди, барча коммунистлар ишлаб чиқаришнинг энг асосий участкаларига бириктирилди. Улар цех техника-иқтисодий кўрсаткичларини юксалтиришда катта ҳисса қўшмоқдалар.

З. ИСРОИЛОВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Ёш ёзувчиларнинг ҳикоялари тўғрисида

Ўзбек совет адабиёти умумсовет адабиётига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Талантли ўзбек ёзувчиларининг роман ва повестлари ҳам, поэма ва шеърлари ҳам мамлакатимизда кенг танилган бўлиб, улар миллионлаб совет китобхонларининг муҳаббатини қозонганлар. Улуг Октябрь социалистик революциясидан сўнг ўзбек адабиётида проза жанрининг тез ва гуркираб ўсганлиги кўриниб турибди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойдин ва бошқалар бу соҳада кўп хизмат қилдилар, улар айниқса кичик ҳикоялар жанрини тараққий эттирдилар. А. Қаҳҳорнинг «Жонфигон», «Пиллар», «Ўғри», «Адабиёт муаллими» ҳикоялари, Ғ. Ғуломнинг «Эри билан бас бойлашган хотин», «Ким айбдор» ҳикоялари, Ойдинининг «Ҳазил эмиш», «Ямоқчи кўчи», «Садаганг бўлай командир» ҳикоялари ва бошқа авторларнинг бир қанча ҳикоялари Ўзбекистон ёзувчиларининг бу жанрнинг принципларини ҳар томонлама чуқур ўзлаштириб олганликларини билдиради.

Рус ва жаҳон новелистларининг, ҳикоя мастерларининг улуг меросини ижодий ўрганган ўзбек ёзувчилари Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги турмушидан оригинал, қизиқ ҳикоялар яратдилар. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, ҳикоя мастерларининг традициялари тақлидчилик ёки механик суратда у услубларни қўллаш йўли билан бўлмай, балки, ўша услубни чуқур анализ этиш, бу қийин жанрнинг ўзига хос хусусиятини тушуниб, англаб етиш орқали ўзлаштирилди.

Бу ёзувчиларнинг ҳикояларида биз равшан мақсад, аниқ белгиланган сюжет, композициянинг пишиқлиги, халқ тилидаги образлилик, халқчиллик, майинлик, шунингдек бус-бутун ва ёда сақланиб қолувчи образ ярата олиш маҳоратини кўрамиз.

Роман, повестлардагидек кичик ҳикояларда ҳам образ катта, муҳим роль ўйнайди, у асосий мазмунни, асар идеясини ташийди. А. Қаҳҳор, Ғ. Ғулом ва бошқаларнинг ҳикояларида образлар аниқ-равшан тасвирлаб берилган. Уларқаги қаҳрамонларнинг ҳаракатлари асарда тасвирланаётган воқиалар билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар турли персонажларга ҳар ёқлама характеристика беришда хизмат этади. Ҳикоя авторлари қаҳрамонларнинг портретларини яратиш, персонаж яшаб, ҳаракат қилаётган жойни тасвирлашга ҳам катта эътибор берадилар. Шуларнинг ҳаммаси биргаликда бирбутун образ яратади. Улар ҳикоя тилига алоҳида эътибор берадилар. Мабодо, биз А. Қаҳҳор ҳикояларини синчиклаб кузатсак, унда автор тилининг ўндалигини ҳам, персонажлар тилининг образли ва индивидуаллаштирилганини ҳам кўрамиз.

«Бизнинг ёш адабиётимиз ўз майдонини йилдан-йилга тез қудрат билан кенгайтирмоқда, сўз санъаги ҳеч қачон турмушни англашда шу қадар тиришқоқлик ҳамда муваффақият билан хизмат қилган эмас» (Горький «Адабиёт ҳақида» советский писатель. 1953, 412 бет).

Кейнги вақтларда ўзбек ҳикоячилари сафига янги, ёш авторлар қўшилди. Раҳмат Файзий, Санда Зуннунова, С. Анорбоев, П. Қодировлар ва бошқаларнинг номлари кўпчилик китобхонларга танилди. Республика газета ва журналлари кўплаб ҳикояларни босиб чиқармоқда. Чунки ўқувчи кичик, қизиқ ҳикояларни берилиб ўқийди. Ҳикояда катта, қизиқарли воқиа бир неча саҳифада айтиб берилади, шунинг учун уни ўқувчини ҳақиқатан ҳам қизиқтира оладиган тарзда тасвирламоқ керак. Эстетик туйғуни тарбиялаш, маданий савияни ўстиришда ҳамма бадиий адабиёт асарларидек, ҳикоянинг ҳам роли катта эканлиги сўзсиздир. Бизнинг ўқувчимиз совет кишиларининг меҳнат қаҳрамонликлари, эскилик қарқитларига қарши курашни кўрсатувчи ҳикояларни севади.

Бироқ ёш ўзбек ёзувчиларининг ҳамма асарлари ҳам ўқувчиларнинг ўсиб бораётган талабларига жавоб бера олмайди. Бу мақолада ёш ёзувчиларнинг асарларидаги айрим масалалар ҳақида фикр юритамиз.

Ёш ёзувчиларнинг ижодларида ҳалигача кўзга ташланиб турадиган асосий камчилик шундан иборатки, авторлар фактларни қалаштириб юборадилар-да, уларнинг бир-бирлари билан боғланган-боғланмаганини унутиб қўялилар. Натижада умумий воқиага фойдаси бўлмаган, ғоянн очишга ёрдам бермайдиган воқиалар тўлиб-тошиб кетади. Баъзан авторлар ўткинчи бирорта персонажнинг ташқи кўринишини ёки характерини батафсил тасвирлашга берилиб кетиб, асосий қаҳрамоннинг характеристикасини унутиб қўядилар. Мана шу умумий камчилик Анорбоевнинг «Куёв», Х. Ахмаринг «Тоғ манзараси» ҳикояларида айниқса кўзга яққол ташланади.

«Куёв» ҳикоясида ҳикоянинг асосини ташкил этган воқиани, шунингдек авторнинг позициясини ҳам аниқлаб бўлмайди. Ҳикоя «Ғалати расм-русмларимиз бор-да: қизчалар, куёв чарлар, мол йиғар... Маҳа бугун Ашраф амаки қуда чакирикка отланаётибди» деган сўзлар билан бошланади. Шундан сўнг автор Ашраф амакининг қай тарафга қараб кетганини, нималар ўйлаганини, хотини унга қандай кийимлар кийишини айтганини, ҳулласи ҳеч ким ҳеч нарсани ўзгартирмаган ҳолда ўтиб кетаверганини,

Ғанимат фурсатни қўлдан бой бермай ҳаммамиз пахта теришга чиқайлик, белгиланган нормани ошириб бажарайлик!

☆ ☆ ☆

Эркин меҳнат самараси

Колхоз тузуми — эркин меҳнат процесси кишиларни тарбиялашда катта роль ўйнамоқда, улар онгига ўзининг ажойиб таъсирини сингдирмоқда. Бу таъсир кишиларнинг жамоат ишлаб чиқаришига актив иштирок этишлари, ғайрат, саминиятлари билан ифода этилаётир.

Янгийўл районидаги Навоий номли колхоз дафтарига Конусовалар оиласидан фақат Т. Конусованинг номи ёзилган. Лекин бу расмият фидокор оила аъзоларининг жамоат ишлаб чиқариши фронтидан нарида қилиб қўядиган чегара бўлмайди. Бу оиланинг каттадан-кичик аъзоси колхоздаги ҳар бир ишда, ташаббусда ҳамдам, ҳамдард, ҳамкор бўлиб келмоқда.

Ҳозир пахта терим мавсуми. Бу мавсум ҳаммадан ҳар қачонгидан кўпроқ ҳаракатни, ташаббусни, фидокорликни талаб этади. Бировни бировга қистамайди. Қўлида куч, белида қуввати бўлган ҳар бир кимса, ҳо ёш бўлсин, ҳо қария, шу кунлардаги улуғ ишдан четда туролмайди, бамайлихотир ўтиришни ўзига ҳеч бир эп кўрмайди.

Конусовалар оиласи ҳар куни 400—500 килограмм пахта териб хирмонга тоширмоқда. Буни Конусовалар оиласининг бутун аъзолари теради. Булар Т. Конусова, унинг 92 ёшли бувиси, 55 ёшли онаси Тошгул хола, укаси, мактаб ўқувчиси Қимматлардир.

Илҳомбахш колхоз ҳаёти «ёшлик», «қарилик» деган расмиятларни унутган. Одамларда ишга, меҳнатга реал қараш туйғусини ҳосил қилган.

— Қўлимда куч, белимда қувват бор экан, — дейди 92 ёшли кампир, — халқ қатнашаётган маъракадан четда туриб, томошабин бўлолмайман...

92 ёшли кампир, нима пахта терар эди, деб ҳам ўйлаш мумкин. Яхшиси кампирнинг ўзидан сўраймиз.

— Болаларим, мен килосини билмайман, — дейди у, — қўл, белим оғримасдан, ҳормасдан, толмасдан, кунига тўла бир қанор пахта тераяпман.

Бир неча кунлар давомида тарозидан ўтаётган қанорларнинг ҳар бири табелчининг дафтарида 50-55-60 килограмм деган миқдорлар билан ўз ифодасини топган. Бошқача қилиб айтганимизда, Конусовалар оиласининг колхозга ҳар куни қўшаётган ҳиссасининг 13-15 процентини 92 ёшли кампир бераётир.

Бу кампир ва унинг 55 ёшли келини барча колхозчилар билан бир сафда туриб, бир мақсад учун — «болаларнинг» пешона тери билан етиштирилган мўл ҳосилнинг бир толасини ҳам қолдирмасдан йиғиб-териб, она-Ватанга отказиб бериш учун курашмоқдалар.

Конусовалар оиласи ҳам колхоз ҳаёти, эркин меҳнат самарасида яратилган миллионлаб совет оилаларининг биридир.

Х. ЗРАЛИЕВ.

Олган мажбуриятимни албатта бажараман

Мен ўтган йили мавсумда 15 минг килограмм пахта терган эдим. Бу йилги мажбуриятим 20 минг килограмм. Бу юксак ва шарафли вазифани бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдаман, пахта теришда илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланаётирман. Мен соатлик график асосида ишлаб, кунига 250-280 килограммдан пахта тераётирман, шу кунгача хирмонга 10 минг 250 килограмм пахта териб тоширдим.

Менинг мусобақадошим Турсуной Комилова ҳам теримда яхши натижаларга эришмоқда. У ҳам кунига 200-220 килограммдан пахта тераётир. Унинг шу кунгача терган пахтаси 9 минг килограммдан ортади.

Бизнинг мусобақамизга қўшилган Абдумалик Эркабоев, Шарватой Давлатова, Рима Абдуллина ва Ч. Мусаева каби ўртоқлар ҳам кунига 180-190 килограммдан пахта тераётирлар.

Мен дугонам Турсуной Комилова билан мусобақани янада кучайтириб, кундан-кунга терим суръатини ошираман. Олган мажбуриятимни улуғ байрам — Октябрнинг 39 йиллиги кунигача албатта бажараман.

Ойша НАБИЕВА,
Гулистон районидаги Крупская номли колхоз теримчиси.

„III Интернационал“ колхозининг илғор бригадалари

Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозининг аъзолари йиғим-теримни зўр уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Колхознинг ўртоқ Бегмат Хайитматов бошлиқ бригадасида иш айниқса яхши ташкил этилган. Бу бригада аъзолари 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эдилар. Улар дастлабки кунларданоқ ишга пухта тайёргарлик билан киришиб, терим суръатини ошираборадилар.

ЗвеноларарО социалистик мусобақа кучайтирилиб, ишнинг сифати устидан контролик яхши йўлга қўйилди. Бу ва шунга ўхшаш тадбирларнинг амалга оширилиши жуда яхши натижалар берди. Бригада аъзолари йиллик планни муддатидан илгари 101,6 процент килиб бажардилар. Бу соҳада М. Мирзаева, М. Тўхтаева, С. Ҳикматова, М. Қурбонова каби кўпминг килограммчи чеварларнинг роли каттадир. Уларнинг ҳар бири шу кунга қадар хирмонга 6-7 тоннадан пахта топширдилар. Шофер ва аравакашлардан З. Нуров, З. Сиддиқов каби ўртоқлар ҳам ғайрат билан ишлаб, кундалик пахта ташиш нормаларини 2-3 ҳиссага отказиб адо этмоқдалар. Шунингдек колхознинг Х. Рустамов, Х. Дебердиева ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам йиллик пахта тайёрлаш плани ошириб бажарилди.

Илғор бригадаларнинг аъзолари эришилган ютуқни мустаҳкамлаб, қолган ҳосилни ҳам уюшқоқлик билан сира нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишга, планга қўшимча равишда яна ҳар гектар ердан 10-11 центнердан пахта топшириш учун ҳаракат қилаётирлар.

З. ЭШОНХЎЖАЕВА,
И. РИХСИЕВ.

☆

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Янгийўл. Жданов номли колхоз аъзолари 300 гектар майдондаги мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш учун ғанимат кунлардан унумли фойдаланмоқдалар. Колхознинг ўртоқ Ким Бен-ик бошлиқ бригада аъзолари йиғим-теримда олдинда бораётирлар. Бригаданинг С. Фозилова, Д. Зиядинова каби аъзолари ҳар куни 180-200 килограммдан пахта териб, ҳозиргача хирмонга 5-6 тоннадан ошириб пахта топширдилар.

Сталин номли колхозда ҳам мўл ҳосил учун кураш ҳар тарафлама қизитиб юборилган.

Х. Бекмирзаев,
Ғ. Қўзиев,
С. Зокиров.

* * *

Мирзачўл. Ўртоқ Ойимгул Умурзоқова «Коммуна» колхозининг кўпминг килограммчи теримчиларидан биридир. У мавсумда 15 тонна «оқ олтин» терди, мажбуриятини олган эди. Ҳар куни 200-250 килограммдан пахта тераётган Ойимгул шу кунга қадар хирмонга 6328 килограмм пахта топширди. А. Абдуқодирова, Т. Умурзоқова каби теримчилар ҳам Ойимгулга эргашиб, кунига 190-220 килограммдан пахта термоқдалар.

Қ. Минавваров.

* * *

Гулистон. Дастлабки кунларданоқ ишга пухта тайёргарлик билан киришган Карл Маркс номли колхознинг меҳнатсевар аъзолари терим суръатини кундан-кунга оширмоқдалар. Ўртоқ Х. Йўлчиев бошлиқ бригада аъзолари 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Улар шу кунга қадар йиллик планнинг қарийб 60 процента миқдорида пахта топширдилар.

Райондаги Молотов номли колхоз аъзолари ҳам йиғим-теримни активлик билан давом эттираётирлар.

А. Бобоқулов,
М. Абдураимов.

* * *

Оҳангарон. Калинин номли колхоз пахта йиғим-теримида районда олдингилар қаторида бормоқда. Колхознинг ўртоқ С. Бойназаров бошлиқ бригада аъзолари шу кунга қадар давлатга йиллик планнинг 90 процентига яқин пахта топширдилар. Бригада аъзолари шу кунларда октябрдаги социалистик мусобақага қўшилиб, янада зўр ғайрат билан ишламоқдалар, йиллик планни тез кун ичида бажарсин, сўнгра қўшимча равишда ҳар гектар ердан яна 7 центнердан пахта топшириш учун курашаётирлар. Планни 102 процент бажарган ўртоқ Ж. Махатов бошлиқ звено аъзолари ҳам қолган ҳосилни сира нобуд қилмасдан йиғиб-териб олмоқдалар.

Т. Хушназаров.

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Тошкент медицина институтининг пахта теримида намунали ишлаётган студентлари

Тошкент медицина институтининг илғор теримчи студентлари.

Шу кунларда Сирдарё районидаги колхозларга, «Малик» совхозига борсанг, пахтакорлар Молотов номли Тошкент медицина институти студентларидан гоят хурсанд бўлиб ғанирадилар.

ТошМИ студентлари бу йил икки марта кўчма Қизил байроқ олишга сазовор бўлдилар. Уларнинг фидокорона меҳнати бундан ташқари 10 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Педнатрия факультетининг биринчи курс студентлари райондаги «XIX партсъезд» колхозида ишлаб, айниқса яхши натижаларга эришаётирлар.

ТошМИ студентлари ва профессор ҳамда ўқитувчилари республикамиз бўйича яна бир миллион тонна пахта бериш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун ғайратларига ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Суратда: (чапдан ўнгга): Н. Чатчаева, У. Исҳоқов, Ш. Жуманиёзова, Ш. Бегимқулов, Р. Юсупова, Л. Макиншина, И. Саидкаримова ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

Шаҳарлик биродарлар пахтазор сари отланганда...

Пахтакорларимиз 3 миллионгамизо чекканларида шаҳарли биродарлар уларнинг бу ватанпарварлик ташаббусини табриклабгина қолмай, «дадил бўлинг, биз ҳам сизнинг ёнингиздамиз!», деган эдилар. Дарҳақиқат, улар бугун пахтакорлар ёнида, елкама-елка туриб, ана шу 3 миллион тонна пахтани жамлаш ҳаракатида!

Тошкент-азм шаҳар. Шу кунларда пойтахтнинг қайси ерида: хоҳ кўчада, хоҳ трамвай ёки троллейбусда, хиёбонларда бўлманг, пахтага кетаётган кишиларни кўрасиз. Мўйсафидлар ҳам, мактаб тажриба участкасида пахта ўстиришни синаб кўраётган ёш пионерлар ҳам бугун колхозларга, совхозларга бориб, пахтакорларга ёрдамлашиш иштиёқи билан банд.

Бундан икки кун илгари Эски Жува майдонида жуда кўп машиналар турганини, бу машинага кўплаб кишилар чиқаётганини кўрдик. Уларнинг ҳаракатида, ғап-сўзида пахта ҳосилини тезроқ териб олиш ҳар бир кишининг жонажон иши эканлиги ифодаланарди. Шаҳарлик биродарлар дўстга ёрдамлашиш бугуннинг талаби эканлигини тўла ҳис қилган ҳолда тезроқ пахта далаларига бориш, улуғ байрамгача планни бажариш ишига ҳисса қўшиш учун шошилардилар.

Пахта теримига кетаётганларни шаҳарнинг ҳар бир бурчагида — Комсомол майдонида, Ишчилар шаҳарчасида, Оқлон маҳаллаларида, Пушкин майдонида кўра оласиз. Ишчилар, инженерлар, хизматчилар, уй иши билан шуғулланувчи аёллар пахта теримидан четда қолиш бизга ўят, умумхалқ ишига ҳисса қўшамиз, деган мақсад билан колхоз, совхозларга жўнаб кетмоқдалар.

Шу кунларда пахта тераётган шаҳарликларни Бўка районида ҳам, Мирзачўл группасидаги поёнсиз пахтазорларда ҳам, Сирдарёга тутташган Бекобод далаларида ҳам, Оҳангарон дарёси бўйидаги колхозларда ҳам кўрасиз. Қозоғистон ССР билан чегарадош пахтазорларимизда—Чиноз ва Янгийўл районларининг юқори участкаларида ишлаётган ишчилар, студентлар, мактаб ўқувчилари бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ меҳнат қилиш, халқ бойлиги бўлган пахтани тезроқ йиғиб-териб олишда колхозчиларга биродарларга ёрдам бериш иштиёқи билан яшамоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 300 га яқин ишчиси Гулистон районидаги Фрунзе номли колхозда пахта терапти. Тўқучилар ўзлари учун энг зарур хомашё бўлган пахтанинг бир толасининг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаяптилар. Комбинат ишчиларидан Сулаймонова, Рустамов сингари ўнлаб ўртоқлар комбинатда қандай яхши ишлаётган бўлсалар, пахта теримида ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Ўртоқ Куприянов раҳбарлик қилаётган теримчи-ишчилар бригадаси олдинда кетаётганлиги, пахтанинг юқори сифатли бўлишига эришаётганлиги учун колхоз уларга кўчма Қизил байроқ топширди.

Бундай коллективлар жуда кўп. Тошкент темир йўл транспорт институтининг студентлари Бекободдаги 1- «Далварзин» совхозида кўп пахта териш соҳасида ҳатто айрим ишчилардан ҳам ўзиб кетмоқдалар. Баҳоб Маннонов, Шоҳида Бекназарова, Мўмин Жўраев каби ўртоқларнинг кунига хирмонга 100-150 килограммдан пахта топширяётганликлари қувонарлидир.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида, 4- «Боёвут» совхозида Оҳангарон шахтёрларидан 500 га яқин киши пахта тераётир. Халқ учун, саноат учун қора олтин чиқариб берувчи шахтёрлар бугун вақтинча оқ олтин термоқдалар. Қора олтин билан оқ олтиннинг халқ хўжалигимизда гоят қимматли бойлик эканлигини жуда яхши билган шахтёрлар бир грамм ҳам пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўймаётирлар.

Айрим шахтёрлар дастлабки кунларда, биринчи марта пахта теробошлаганларида бу ишга уларнинг қўли қовушмади. Чунки улар ер остидан қора олтин кавлашни бу зайлда бажармас эдилар. Кўмир кавлайдиган комбайнлар ва шунга ўхшаш техника кўмир кавлаш ишларини енгиллаштирган бўлса ҳам шахтёрлар ҳамма вақт забардаст қўллари билан оғир меҳнат қилишга одатланиб қолганлар. Мана, бугун улар юмшоқ, лўппи очилган пахтани ҳовичлар эканлар, ўзларини аллақандай сездилар. Кун ўтиши билан шахтёрлар ҳам пахта теришга омил бўлиб қолдилар. «Ленин йўли» колхозининг аъзолари, 4- «Боёвут» совхозининг коллективи шахтёрлар меҳнатидан гоят хурсанд.

Фақат бу йил эмас, ўтган йилларда ҳам ўрта ва олий ўқув юртларининг студентлари пахта терими соҳасида колхозчилар, совхоз ишчиларининг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқдалар. Тошкентдаги Молотов номли медицина институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, А. Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомсанъатшунослик институти студентлари ва бошқа ўқув юртларининг студентлари ҳозирги қизғин паллада чарчаш нималигини билмай, пахта теримида актив қатнашмоқдалар.

Завод ва фабрикаларнинг коллективлари, артелларнинг ҳунармандлари, мактабларнинг ўқувчилари, маҳаллаларнинг аҳолиси 3 миллион тоннанинг тезроқ жамғарилишига муносиб ҳисса қўшиш, ўзларининг она-Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурчларини шараф билан адо этиш учун пахта далаларига кўплаб бораётирлар.

Республикамиз 17 октябргача **2 миллион тонна** пахта тайёрлади. Яна **1 миллион тонна** қолди. Қани, шаҳарлик биродарлар, 1 миллион тонна пахтани териб олиш учун қўлни-қўлга бериб ишлайлик!

Пахта — халқ бойлиги. Ўзбек халқи ўз пахтаси билан ҳақли суратда фахрлана олади. Пахта—кўмир, пўлат, нефть, ғалла сингари мамлакатимиз учун энг зарур хомашёдир. Бу йил мамлакатга 3 миллион тонна пахта берамиз, деган эканмиз, бу фақат пахтакорларнинг аҳди эмас, бутун ўзбек халқининг аҳдидир!

Ҳар бир киши йиғим-теримда актив қатнашсин, умумхалқ ишидан четда қолмасин. **ҲАММА — ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА!**

С. МАҲКАМОВ.

Студентлар ёрдами

Тошкент молия-иқтисод институтининг студентлари Оққўрғон районидаги Ленин номли колхоз аъзоларига кўмаклашмоқдалар. Колхозда фақат студентларнинг кучи билан 17 кун ичида 160 тонна пахта терилди. Бу миқдор колхоз йиллик пахта тайёрлаш планининг 9,6 процентини ташкил этади.

Колхозда студентларнинг унумли ишлаши учун барча шароитлар яратиб берилган. Студентлар ётоқхоналар билан тўлиқ таъмин этилган. Иссиқ овқат ва чой ўз вақтида тайёрлаб турилади. Ҳар беш кунда институт бўйича қанча пахта терилганлиги якунланиб, илғор бригадаларга кўчма Қизил байроқ топширилади.

Ўртоқ Маликов бошлиқ 2-курс студентлари, айниқса, уюшқоқлик билан ишлаб, теримда юқори кўрсаткичларга эришаётирлар. Илғор колхозчиларга эргашиб, кунига 120-130 килограммдан пахта тераётган студентларнинг сони кундан-кунга кўпаймоқда. Бунга мисол қилиб О. Худоёров, Рўзметов каби ўртоқларни кўрсатиш мумкин. Ўртоқ Худоёров беш кун ичида 802 килограмм пахта териб, колхозчи ва студентларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

И. МАМАЖОНОВ.

Пахта нобудгарчилигига қарши курашни кучайтирайлик

Областимиздаги илғор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари пахта йиғим-терининг ҳозирги масъулиятли даврида пахтанинг сортини бузувчи, уни ҳар турли йўллар билан нобуд қилувчи шахсларга қарши кескин кураш олиб бормоқдалар, давлатга кўпроқ юқори сифатли пахта топширилишини таъминламоқдалар. Пахта йиғим-терими ва давлатга пахта топширишни намунали ташкил этаётган ва ҳосилнинг нобуд қилинишига йўл қўймаётган колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, шубҳасиз, давлат ва халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйиб иш кўрмоқдалар.

Аммо ҳамма жойда ҳам иш шу хилда яхши деб бўлмайди. Областдаги прокуратура органлари томонидан жойларда ўтказилган текширишлар айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўз вазифаларига ўтаётган даражада бепарволик билан қараётганликларини кўрсатди. Ҳом пахта терилмоқда, ётиб қолган ғўза тупларидаги ва тўкилган пахтанинг чиришига йўл қўйилмоқда, ғўзанинг пайхон қилиниши, ташиш вақтида тўкилиб нобуд бўлиш фактлари содир бўлмоқда. Шунга қарамай, баъзи бир колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари теримчилар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормаётирлар.

Шу йил 30 сентябрь куни Ўртасарой районидаги «Северний маяк» колхозининг 1-бригадаси даласида 21- мактабнинг 50 ўқувчиси пахта терди. Бироқ ўқувчилар ишига ҳечким бошчилик қилмади. Натижада улар фақат ғўза тупларининг тепасидаги пахтанигина териб, тупнинг пастидаги ва ерга тўкилган пахтани қолдириб кетганлар. Бу ҳол 18 гектарлик картанинг ҳар гектарида 1,5 центнердан пахта нобуд бўлишига олиб келган.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи ўртоқ Хўжақулов уруғлик участкасида системали равишда ҳом пахтанинг терилишига йўл қўйиб келган. Хўжақуловнинг бу ҳаракати колхоз правлениесида муҳокама қилинди. Лекин шундан сўнг ҳам ҳом пахтани териш давом эттан: 10 сентябрдан то 1 октябргача бригаданинг 27 тонна пахтаси хомлиги учун заводга қабул қилинмай, қайтариб юборилган. Бунинг учун Хўжақулов прокуратура органлари томонидан жавобгарликка тортилди.

Мирзачўл районидаги Будённий номли колхознинг ўртоқ Ўлжаев бошлиқ бригадасида 7 гектарлик картанинг пахтасини Ўрта Осиё политехника институтининг студентлари терганлар. Ўртоқ Ўлжаев студентлар ишини тўғри ташкил этмаган. Бунинг натижасида шу картада сал кун ичида 5000 килограмм пахта нобуд бўлган. Прокуратура органлари Ўлжаевни жиддий жавобгарликка тортдилар.

Ўртасарой районидаги Сталин номли колхознинг 6- бригада бошлиғи ўртоқ Самнинг айби билан терилган 300 килограмм пахтанинг намлик даражаси 36 процентни ташкил этган. Демак, жуда ҳом пахталар терилган. Бу каби фактлар колхознинг бошқа бригадаларида, шунингдек райондаги Будённий номли ва бошқа колхозларда ҳам учрайди.

Айрим колхозларнинг правлениелари меҳнат интизомини бузувчиларга, меҳнат минимумини бажармовчиларга қарши чора кўрмаётирлар. Бу ҳол дангасалар, интизомсизларнинг бемалол юришларига имкон бермоқда, уларда жамоат ишларига қатнашмай юравериш мумкинлиги «ишончини» туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам Ўртасарой районидаги Сталин номли колхозда 19 колхозчи 9 ойлик, «Северний маяк» колхозида 19 колхозчи иккинчи ярим йиллик минимумини бажармаган.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози раҳбарларининг хотинлари пахта теримида деярли қатнашмаётирлар. Колхоз партия ташкилоти секретарининг хотини У. Элбўсинова пахта йиғим-терими бошлангандан буён фақат икки кун ишга чиққан. Колхоз кассири Жумабоев, омбор мудири Ҳакимов, бухгалтер ёрдамчиси Абдуқодиров ва бошқа ўртоқларнинг хотинлари эса теримда бир кун ҳам қатнашмаганлар.

Боёвут районидаги Жданов номли колхозда (правление раиси ўртоқ Қодиров) 10 сентябрь билан 20 сентябрь ўртасида теримчилар томонидан 403 марта прогул қилиш факти юз берган. Колхоз чорвачилик фермаси мудирининг хотини Тожи Исмоилова, омбор мудирининг хотини Р. Холбекова ва бошқалар йил бўйи битта ҳам меҳнат куни ишламаганлар.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, колхозларнинг территорияларида юзлаб ишга яроқли кишилар яшайдилар. Улар колхоз берган томорқадан фойдаланмоқдалар. Лекин пахта йиғим-теримига мутлақо қатнашмаётирлар. Колхоз правлениелари қишлоқ хўжалик артели Уставига мувофиқ иш қилмаётирлар. Масалан, Сирдарё районидаги «XVIII партконференция» колхозида гражданин Бочков узоқ вақтдан буён колхоз территориясида яшаб, 0,12 гектар жамоат еридан томорқа сифатида фойдаланиб келади. Лекин Бочков ва унинг оила аъзолари колхоз ишида мутлақо қатнашмайдилар.

Айрим колхозларнинг правлениелари колхозчиларга аванс бериш учун олинган пуллардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмоқдалар. Масалан, Ўрта Чирчиқ районидаги Жданов номли колхозда 184 минг 700 сўм, Мирзачўл районидаги «8-март» колхозининг раиси Исроилов ва бухгалтери Комолиддинов ўртоқларнинг айби билан 20 минг сўм, Молотов номли колхоз раиси Суяров ва бухгалтери Жўраев ўртоқларнинг айби билан 38 минг 666 сўм пул мақсадга номувофиқ харажат қилинган.

Прокуратура органлари ана шу хилдаги текширишларни бошқа колхозларда ҳам ўтказдилар ва бунда партия ва ҳукуматнинг пахтани йиғиб-териб олиш ҳақидаги қарорини бузишда айбдор бўлган кишиларни қисман жавобгарликка тортишга ҳам тўғри келди.

Пахта йиғим-терими тезлаштиришда, шунингдек нобудгарчиликка йўл қўймасликда омма ўртасида олиб бориладиган тушунтириш ишлари катта роль ўйнайди. Ҳом пахтани термаслик, нобуд қилмаслик йўлларини колхозчиларга ва шаҳарлик ёрдамга борган кишиларга қунт билан ўргатиш лозим. Шунингдек, ишнинг сифати устидан контролни тинмай кучайтириш зарур. Бригада ва звено бошлиқлари ўз участкаларида терилган пахтанинг сифати учун шахсан жавоб беришларини унутмасликлари керак.

И. НАБИЕВ,
Тошкент область прокурори.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 18 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Бўстонлиқ	3,43	78,18	Октябрь	2,04	67,01
Оржоникидзе	2,41	75,77	Гулистон	1,83	66,17
Пискент	1,88	75,03	Янгийўл	1,90	65,59
Ўртасарой	1,98	73,84	Оққўрғон	1,69	65,34
Юқори Чирчиқ	2,04	73,29	Чиноз	2,01	64,54
Мирзачўл	1,75	71,11	Боёвут	1,69	62,22
Сирдарё	2,13	69,73	Ўрта Чирчиқ	1,87	61,48
Оҳангарон	1,32	69,29	Қуйи Чирчиқ	2,03	59,06
Верхне-волинск	1,98	68,35	Бекобод	1,99	58,56
Бўка	2,00	68,08	Калинин	2,00	57,75

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 18 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	1,91	69,10	4- «Боёвут»	1,41	55,17
6- «Кўкорол»	1,13	68,69	«Дружба»	0,29	54,86
3- «Боёвут»	1,69	64,68	1- «Далварзин»	1,93	53,44
1- «Боёвут»	2,09	63,26	4- «Вревский»	1,41	52,81
«Оққўрғон»	1,63	60,59	Булганин номли	0,51	48,79
2- «Далварзин»	1,91	59,11	1- «Фарҳод»	0,49	46,19
«ЎзССР беш йиллиги»	2,03	59,06	Бушуев номли	1,66	41,87

Областимизда

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон интеллигенциясининг биринчи съезди республика меҳнаткашларининг маданий ҳаётида жуда катта воқиа бўлди. Съезд қатнашчилари республиканинг барча интеллигентларига қарата Мурожаат қабул қилиб, Фан-техника, халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳаларида ишлаётган зиёлиларни жонажон партиямиз XX съезди томонидан қўйилган улуғвор программани амалга ошириш учун ғайрат ва сабот билан ишлашга чақирдилар. Ҳозир республикамиздаги ёзувчи ва олимлар, инженер ва техиклар, врач ва агрономлар, санъаткор ва ўқитувчилар бу Мурожаатни чуқур ўрганиб, ўзларининг амалий фаолиятларига қўлланма қилиб олмоқдалар.

Суратда: Ўзбекистон давлат проектлаш бошқармасининг бир группа архитекторлари республика интеллигенцияси биринчи съезди қатнашчиларининг Мурожаатини ўрганмоқдалар. Типовой проектлаш бўлимининг архитектори ўртоқ О. Зайнуддинов уларга Мурожаатни ўқиб бермоқда.

В. Салов фотоси.

Мирзачўл — рассомлар асарида

Неча асрлардан бери «одов» таптига кўникиб келган Мирзачўл қучоғига шу кунларда катта ҳаёт оқиб келмоқда. Букун, асрлар гувоҳи—қақраб, ҳувиллаб ётган Мирзачўл ерларини яшнаган ўлкага айлантириш тақдири ҳал этилмоқда. Мирзачўл халқимизнинг кўркам ва серҳосил ерларига айланади. Чўлнинг келажак истиқболи порлоқ...

Шу йил Ўзбекистон рассомларининг катта бир группаси ўзлаштирилаётган Мирзачўлда бўлдилар. Унинг кенг бағри, оддий совет кишиларининг ажойиб меҳнатлари рассомлар илҳомига илҳом қўшди. Улар Мирзачўлдан қизиқарли ва рангба-ранг темаларда киши диққатини тортувчи кўпгина расмлар чизиб қайтдилар.

Яқинда Ўзбекистон рассомлари союзида ана шу санъаткорларнинг асарлари асосида катта виставка ташкил этилди.

Виставка экспозициясидаги экспонатлар асосан этюд, пейзаж ва картиналардан ташкил топган. Бу асарлар ижод этилиш манераси, стили ва фонининг рангба-ранглиги билан ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Томошабин виставкада дастлаб рассом В. Уфимцев асарлари билан танишади. Ўзининг санъаткорлик ижодида этюд жанри билан ҳам машҳур бўлган Уфимцев Мирзачўлнинг табиий шароити, рельефи фонида пейзажлар яратган.

Тепалик ва унинг қоялари сариқ рангда берилган. Бу эса пейзажнинг ёз фаслида чизилганлигини кўрсатиб туради.

Янги кўчиб келган ватанпарвар ёшлар қаёти картинасини беришда ҳам рассомнинг ютуги яққол кўриниб турибди.

Виставкага рассом М. Есиннинг ҳам кўпгина расмлари қўйилган. Унинг асарларидаги асосий ғояномзун янги техника — экскаватор, бульдозер, скрепер ва грейдерлар тасвири ёрдамида талқин этилган.

Рассом А. Серков пейзажларида ҳам инсон кучи биринчи планда берилган.

Виставкага қўйилган экспонатлар мажкур авторларнинг Мирзачўлни ўзлаштиришга қўшаётган ҳиссаларидир.

А. АЛИЕВ.

Қишлоқлардаги янги қурилишларга— юқори сифатли проектлар

Тошкент областида машина-трактор станциялари, уй-жой ва ишлаб чиқариш бинолари қурилиши тобора қизитилмоқда. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли «Узгипрогорсельстрой» институти томонидан қайта ишланган проект асосида қурилмоқда.

Институт республика колхозларини қайта ишлаб чиқишда Ўзбекистоннинг иқлими, ер қимирлашига чидамлилиги ва маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш ҳам ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқилган ва қайта ишлаб чиқилган кўпгина проектлар амалда синаб кўрилди ва ҳозир уларга баъзи ўзгартишлар киритилмоқда. Ҳозирги вақтда инженерлар колхоналар қурилишинг қулай типовой проектини ишлаб чиқмоқдалар.

Институт коллективи олдида колхоз посёлкаларининг генерал планини тузиб чиқишдек шарафли вазифа турипти. Институтда ҳозирнинг ўзидаёқ уй-жой бинолари ва бошқа ишлаб чиқариш биноларини проектлашга киришилди.

Институтнинг инженерларидан И. И. Моргунов, Е. М. Емцова, архитекторлардан Н. Н. Зимин, С. Б. Моисеева, қидирувчилардан Д. В. Петухов, геолог А. Саидхонов ва В. Н. Новикова ҳамда А. А. Атаямов каби инженерлар проектлаш устида айниқса яхши иш олиб бормоқдалар.

Н. СЕРГЕЕВ.

Тоғларда баҳорикор боғлар

Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-текшириш институти ходимларидан бир группаси қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ф. К. Кочерга раҳбарлигида тоғларда суғорилмайдиган ерларда мевали боғлар барпо этишнинг янги усулларини ишлаб чиқди. Жуда қия тоғ этакларида мослаштирилган бульдозерлар ва грейдерлар ёрдами билан террасалар барпо қилинади. Бу жойларга ўтқазилган мева кўчатлари яхши тутиб қолади. Дарахтларнинг қатор оралари трактор культиваторлари билан юмшатилади.

Ўтказилган текширишлар Ўзбекистон тоғларидаги баҳорикор боғларнинг жуда кўп мўл ҳосил беришини кўрсатди. Масалан, Чотқол тоғларининг этакларида институтнинг тажриба участкасидан бу йил олинган мева ҳосили оддий шароитда олинган ҳосилдан деярлик қолишмайди.

Тоғда баҳори боғдорчилик тобора кенг ёйилмоқда. Масалан, Тошкент область, Паркент районидаги Энгельс номли колхоз аъзолари ўтган йили олимлар томонидан кўрсатилган агротехника ёрдамига таянib Чотқол тоғининг ғарбий этакларида, денгиз сатҳидан минг метрга яқин баландликда ўттиз гектар ерда боғ барпо қилдилар. Ёш дарахт кўчатлари ёз давомида бир ярим метрга яқин бўй берди.

Институтнинг ғарбий Тянь-Шань тизма тоғларининг тупроқ-иқлим шароитларини текшириб чиққан махсус экспедицияси ўша ерларда 15 минг гектардан ортиқ майдонда боғлар ташкил этиш мумкинлигини аниқлади. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзида

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи секретариати ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқинбой) асарларини ўрганиш ва нашрга тайёрлаш учун С. О. Азимов (раис), И. А. Султонов, А. Қаҳҳор, М. И. Шевердин Р. Мажидий ва В. Рўзиматов ўртоқлардан иборат составда комиссия тузди.

Ёзувчи Абдулла Қодирий адабий меросини ўрганувчи комиссия ўзларида ёзувчининг қўлёзмалари, хатлари, фотосуратлари, шунингдек унинг қаёти ва ижодига доир бошқа материаллар бўлган барча муассасалардан ва гражданлардан шу ҳужжатларнинг ўзини ёки нусхасини комиссия ихтиёрига юборишларини сўрайди.

Адрес: **Тошкент шаҳар, 1-Май кўчаси, 20-уй, Ёзувчи Абдулла Қодирий адабий меросини ўрганувчи комиссия.**

Кекса почтальон

Почтальонлик — шарафли иш. Ҳар хил хушхабарларни, газета, журнал ва хатларни ўз вақтида етказиб турувчи почтальонни ким севмайди ва ҳурмат қилмайди дейсиз?!

Бундай шарафли ишни кекса Додохон ота Мирзалиев ҳам бажариб келмоқда. Додохон ота 22 йилдан бери Октябрь районидаги Калинин номли колхозда почтальон бўлиб ишлайди.

Ҳозир у ёши 67 га борган ва кексайиб қолганлигига қарамай, колхознинг Андреев номли ва «Коминтерн» сингари энг катта участкаларга хизмат қилаётир.

Октябрь район алоқа бўлими ва Калинин номли колхоз правлениеси Додохон ота Мирзалиевни кўп йиллик ва ҳалол меҳнати учун тақдирлаб, пул ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлади.

А. ЖАЛОЛОВ.

Врачлар малакасини ошириш институтида

Тошкент давлат врачлар малакасини ошириш институти 1932 йилдан бери ишлаб келади. Бу ўтган даврида институтга неча юзлаб медицина ходимлари келиб, ўз билим малакаларини оширдилар. Институтга фақат Ўзбекистон территориясида ишлаб турган врачларгина эмас, шу билан бирга Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон республикалари, шунингдек Қрим ва узоқ шарқдан ҳам кўплаб медицина ходимлари ўқишга келадилар.

Ҳозир институтга касалхона, тугруқхона, поликлиника каби 20 га яқин даволаш пунктлари қарайди.

Ўз билим-малакаларини оширишга келган врачлар учун тажрибали ўқитувчи-профессорлар ажратилган. Улар медицина соҳасидаги энг мураккаб масалалар юзасидан лекция ва практик машғулотлар ўтказадилар.

Совет — Финляндия илмий-техника ҳамкорлиги комиссиясининг иккинчи сессияси тўғрисида ахборот

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Финляндия Республикаси ўртасида Совет — Финляндия илмий-техника ҳамкорлиги комиссиясининг 1956 йил 1 октябрдан 9 октябргача Хельсинки шаҳрида иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда комиссия биринчи сессияси қарорларининг бажарилиши якунланди ва СССР билан Финляндия ўртасидаги илмий-техника ҳамкорлигининг навбатдаги масалалари муҳокама қилинди.

Комиссия шу нарсани мамнуният билан қайд қилдики, Совет — Финляндия Комиссиясининг биринчи сессияси бўлиб ўтган вақтдан бери фан ва техника соҳасидаги муваффақиятларни мамлакатлар ўртасида айрибошлаш муваффақиятли давом қилган.

Фин олимлари ва мутахассисларининг бир қанча делегацияси Совет Иттифоқига борib, саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларидаги муваффақиятлар билан танишдилар. Делегациялар составида энергетиклар, механиклар, бинокорлар, қоғозчилар ва ўрмончиларнинг, археологлар бор эди.

Совет мутахассислари ўз навбатида Финляндияда кемасозлик, ўрмончилик ва қоғоз саноати корхоналари билан танишдилар.

Комиссия иккинчи сессиясида имзоланган протоколга мувофиқ, 1956 йил IV кварталида — 1957 йилнинг биринчи ярмида Совет Иттифоқи фан олимларини ва мутахассисларини қабул қилиб, уларни совет саноат корхоналарининг ҳамда целлюлоза-қоғоз, ўрмончилик ва химия саноати илмий-текшириш муассасаларининг илмий-техника муваффақиятлари ва ишлаб чиқариш тажрибалари билан, дарё-сув йўллари ва каналлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиблари билан, кемасозлик корхоналарининг ишлари билан, тилшунослик материаллари ва бошқа масалалар билан таништиради.

Финляндия республикаси шу давр ичида совет мутахассисларига Финляндия целлюлоза-қоғоз саноатининг, ўрмончилик хўжалигининг, қишлоқларни электрлаштириш ишларининг, кемасозлик саноатининг муваффақиятлари ва тажрибалари билан, шунингдек портларнинг, савдо корхоналарининг ҳамда умумий овқатланиш корхоналарининг ишлари ва бошқа масалалар билан таништиради.

Иккинчи сессиянинг ишлари дўстона ва ўзаро тўла ҳамфикрлик вазиятида ўтди.

Комиссия ўз ишини олиб бораётган даврда совет делегацияси Финляндиядаги бир қанча саноат ва маданий оқартув муассасаларининг ишлари билан таништирилди.

Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлисининг делегацияси Москвага келди

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлисининг Миллат мажлиси доимий комитетининг раиси Тон Дик Тханг бошчилигидаги делегацияси 17 октябрда Москвага келди.

Самолёт келиши олдидан Внуково аэродромига Москва меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари тўпланди. Аэродром Вьетнам Демократик Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган эди.

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси В. Т. Лацис вьетнам халқининг вакилларини самимий табриклади.

Делегация бошлиғи Тон Дик Тханг жавоб нутқи сўзлади. Вьетнам делегацияси бошлиғининг нутқи ҳозир бўлганлар томонидан қизғин қарсаклар билан кутиб олинди.

Вьетнамлик меҳмонлар аэродромдан шаҳарга қараб, йўл олдилар.

(ТАСС).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 17 октябрь. (ТАСС). Хабар беришларига қараганда, Иордания — Исроил чегарасидаги можоралар муносабати билан Иордаиянинг Исроил устидан берган шикоятини муҳокама қилмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши 19 октябрда Нью-Йорк вақти билан соат 10-30 минутда (Москва вақти билан соат 17-30 минутда) мажлисга тўпланади.

МИСРГА НИСБАТАН ЯНГИ ДУҚЛАР

Англия-Франция музокараларининг якунларига доир

ЛОНДОН, 17 октябрь (ТАСС). Лондон сиёсий доираларида бош министр Иден ва ташқи ишлар министри Ллойднинг Франция министрлар советининг раиси Ги Молле ва ташқи ишлар министри Пино ўртасида кеча кечқурун Парижда тамом бўлган бир кунлик музокараларга катта эътибор бермоқдалар. Инглиз газеталарининг кўрсатишича, музокараларда фақат Сувайш масаласигина муҳокама қилиниб қолмасдан, шу билан бирга Ироқ қўшинларини Иордания территориясига киритиш планлари, Ўрта-Шарқдаги умумий аҳвол ҳамда «Сувайш каналидан фойдаланувчилар уюшмаси» тузиш планини амалга ошириш масаласи ҳам муҳокама қилинган.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин эълон қилинган ахборотда, министрлар «якунда Хавфсизлик Кенгашида Англия — Франция резолюциясини овозга қўйиш натижасида рўй берган аҳволни муҳокама қилдилар», дейилади. Ахборот текстидан маълум бўлишича, Англия ва Франциянинг ҳукмрон доиралари Сувайш масаласида «зўровонлик позициясига» таянувчи сиёсатни ўтказишни бундан бўён ҳам давом этдирмоқчилар. Музокараларда қатнашганлар Хавфсизлик Кенгаши якдиллик билан маъқуллаган «бу резолюциянинг биринчи қисмидаги талабларга амал қилишга» қатъий бел боғлаганликларини айтганлар. Лекин шу билан бир вақтда улар резолюциядаги принципларни амалга оширишга келганда, «улар резолюциянинг иккинчи қисмига ҳам амал қилишга қарор бердилар» дейилади, яъни резолюциянинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан рад қилинган ва Сувайш каналини халқаро бошқармага топшириш тўғрисида конунсиз талабга асосланувчи «18 лар таклифи» деб аталган таклифни Сувайш масаласини ҳал этмоқ учун асос қилиб олишни кўзда тутган қисмига ҳам амал қилишга қарор берганлар.

Ғарб давлатларининг машум «каналдан фойдаланувчилар уюшмаси» тузиш йўлидаги уринишлари уларнинг Хавфсизлик Кенгашининг шу қарорини четлаб ўтишга интилаётганликларини кўрсатувчи далилларнинг биридир.

Матбуот хабарларидан маълум бўлишича, уюшмани тузиш анча қийинчиликларга учрамоқда. Уюшмага қўшилмоқчи бўлганликларини билдирган мамлакатларнинг анчаси каналдан фойдаланганликлари учун шу уюшмага ҳақ тўлашга рози эмаслар.

Аммо шундай бўлса ҳам, «Дейли телеграф энд Морнинг пост» газетаси дипломатик обзорчисининг мақоласидан маълум бўлишича, Англия ва Франция Миснри ўз планларини қабул қилдиришга мажбур этмоқчилар, башарти буни ҳеч ким олмасалар «ҳозирча самара бермаётган каналдан фойдаланувчилар уюшмасини таъсирли қуролга айлантириб, шу қурол воситаси билан Миснри ҳеч ким ўзгартирмоқчи бўлмаслигини ҳаяжонлик билан кузатиб турдик.

Делегация бошлиғи, Италия парламентининг депутати Акилле Корона матбуот учун берган баёнотида бундай деди.

Ўрта Осиёга ва айниқса Тошкентга келиш истаги бизда Римдан жўнаб кетишдан илгариёқ, делегация маршрути муҳокама қилинган биринчи мажлисимиздаёқ туғилган эди. Делегация аъзоларининг ўз сиёсий эътиқодлари ва ижтимоий аҳволлари жиҳатидан бир хилда бўлмаганлигига қарамай, бу истак якдиллик билан изҳор қилинди. Совет Иттифоқи халқларининг Ўрта Осиё республикаларини ривожлантириш учун ғоят зўр ҳаракат қилаётганликларини бизларнинг ҳаммамиз билан эдик, шу сабабли бизларнинг ана шу ғайрат натижаларини ўз кўзимиз билан кўришимиз истаги табиий эди.

Биз кўрган ҳамма нарса кутганимиздан ҳам ошиб кетди. Мен даставвал милий сиёсатни кўзда тутаман. Бу сиёсат Ўрта Осиё ривожланишининг шубҳасиз асосидир. Биз Совет Иттифоқининг бу ерда яшовчи халқларнинг ижодий кучларига баҳо бера олганлигини, халқларни ҳозирги даражагача кўтара олганлигини кўрдик. Умуман юксак прогрессга эришилган, эйрим катта шаҳарлар эса ўз экономикаси жиҳатидан Ғарбнинг жуда юксалган катта шаҳарларидан қолишмайди. Ана шу прогрессга барча совет халқларининг аҳил, биргаликда ҳаракат қилишлари туфайли эришилганлиги ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди.

Сафаримиз вақтида кўпгина қизиқарли учрашувлар бўлди. Биз, делегация аъзоларини қабул қилиб бизга кўрсатган эҳтироми учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Муҳиддиновга ташаккур билдирамиз. Биз у билан бўлган ошкора суҳбат вақтида Совет Иттифоқини ва бутун дунёни қизиқтираётган сиёсий проблемалар тўғрисида — партия XX съезди томонидан ўртага қўйилган проблемалар тўғрисида гаплащдик. Муҳиддинов ғоят сергайрат ва ёқимли кишидир. Бизларнинг фикр алмашувимиз самимий ва самарали бўлди ҳамда бу фикр алмашувимиз совет жамиятининг парти XX съезди белгилаб берган йўлдан ривожланиб бораётганлиги тўғрисида аниқ тасаввур олишимизга ёрдам берди.

Биз архитекторлар билан, кинематография вакиллари ва ёзувчилар билан бўлган суҳбатлар вақтида ҳам ана шундай саммиятни кўрдик. Биз суҳбатлашган совет зўтларимизнинг, бундай учрашувлар, ана шундай фикр алмашувлар халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг ўсиши учун муҳим шартлардан биригина бўлиб қолмай, балки халқларнинг маданий ва гражданлик ривожланишининг ҳам муҳим фактори эканлиги тўғрисида бизнинг фикримизга қўшилганликларини мамнуният билан таъкидлаймиз.

Италия жамоат арбоблари делегацияси Тошкентдан Москвага учиб кетди. (ЎзТАГ).

Италия жамоат арбоблари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Италиянинг кўзга кўринган жамоат арбоблари делегацияси Ўзбекистонда икки кун бўлди. Делегация тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг таклифига мувофиқ СССРда меҳмон бўлиб турибди.

Италиядан келган меҳмонлар республика пойтахтидаги ҳаёт билан танишдилар. Улар Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлдилар, ёзувчилар, архитекторлар, кинематография ходимлари билан учрашдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитетининг раиси Ж. К. Хўжаев италиялик жамоат арбоблари шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида республика жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, журналистлар ҳозир бўлдилар. Меҳмонлар орасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов ҳам бор эдилар.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган қабул маросими вақтида нутқлар сўзланди. Меҳмонларга эсдалик совғалари тақдим қилинди.

Делегация аъзолари Тошкентдан жўнаб кетиш олдидан ўз таассуротларини ЎзТАГ муҳбирига гапириб бердилар.

— Совет кишиларининг астойдил меҳнат қилаётганлиги, уларнинг маданиятга бўлган муҳаббати, чет эллик меҳмонларни самимий кутиб олишлари, деди делегация аъзоси, Мессина университетининг профессори Н. Чарлетта, мени жуда қойил қолдирди. Мен Совет Иттифоқида кишилар ўртасидаги чинакам тенгликни кўрдим.

Яқин орадагина қолоқлик ҳукм сурган Ўзбекистонда биз тараққиётни ва янги маданият пайдо бўлганлигини кўрдик, деди адвокат Д. Конджедо. Биз халқнинг янги маданият учун, ўз фаровонлигини ошириш учун, ўз ҳаётининг янада бахтли бўлиши учун курашаётганлигини ҳаяжонлик билан кузатиб турдик.

Делегация бошлиғи, Италия парламентининг депутати Акилле Корона матбуот учун берган баёнотида бундай деди.

Ўрта Осиёга ва айниқса Тошкентга келиш истаги бизда Римдан жўнаб кетишдан илгариёқ, делегация маршрути муҳокама қилинган биринчи мажлисимиздаёқ туғилган эди. Делегация аъзоларининг ўз сиёсий эътиқодлари ва

ИНДОНЕЗИЯ МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ДИНИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния назоратининг таклифи билан Совет Иттифоқига келган Индонезия мусулмонларининг диний делегацияси Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга Маланг шаҳрида ислом ўқитувчиси Киаи Хожи Саид бошчилик қилмоқда. Делегация составида Индонезия республикаси руҳониларининг вакиллари — Насриддин Латиф, Муҳаммад Гассом, Сахари Хатиб, Салатин, Ёқуб Махмуд, Акрам Ҳасани, Муҳаммад Аршод Лубис, Абдурахмон бор.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния назоратининг раиси муфти Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон Индонезиянинг диний делегациясини қабул қилди.

Меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Тошкент, Янгийўл ва Чиноздаги мачитларда бўлдилар, Тошкент медицина институтига бордилар. (ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлисининг делегацияси Москвага келди

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлисининг Миллат мажлиси доимий комитетининг раиси Тон Дик Тханг бошчилигидаги делегацияси 17 октябрда Москвага келди.

Самолёт келиши олдидан Внуково аэродромига Москва меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари тўпланди. Аэродром Вьетнам Демократик Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган эди.

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси В. Т. Лацис вьетнам халқининг вакилларини самимий табриклади.

Делегация бошлиғи Тон Дик Тханг жавоб нутқи сўзлади. Вьетнам делегацияси бошлиғининг нутқи ҳозир бўлганлар томонидан қизғин қарсаклар билан кутиб олинди.

Вьетнамлик меҳмонлар аэродромдан шаҳарга қараб, йўл олдилар.

(ТАСС).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 17 октябрь. (ТАСС). Хабар беришларига қараганда, Иордания — Исроил чегарасидаги можоралар муносабати билан Иордаиянинг Исроил устидан берган шикоятини муҳокама қилмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши 19 октябрда Нью-Йорк вақти билан соат 10-30 минутда (Москва вақти билан соат 17-30 минутда) мажлисга тўпланади.

МИСРГА НИСБАТАН ЯНГИ ДУҚЛАР

Англия-Франция музокараларининг якунларига доир

ЛОНДОН, 17 октябрь (ТАСС). Лондон сиёсий доираларида бош министр Иден ва ташқи ишлар министри Ллойднинг Франция министрлар советининг раиси Ги Молле ва ташқи ишлар министри Пино ўртасида кеча кечқурун Парижда тамом бўлган бир кунлик музокараларга катта эътибор бермоқдалар. Инглиз газеталарининг кўрсатишича, музокараларда фақат Сувайш масаласигина муҳокама қилиниб қолмасдан, шу билан бирга Ироқ қўшинларини Иордания территориясига киритиш планлари, Ўрта-Шарқдаги умумий аҳвол ҳамда «Сувайш каналидан фойдаланувчилар уюшмаси» тузиш планини амалга ошириш масаласи ҳам муҳокама қилинган.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин эълон қилинган ахборотда, министрлар «якунда Хавфсизлик Кенгашида Англия — Франция резолюциясини овозга қўйиш натижасида рўй берган аҳволни муҳокама қилдилар», дейилади. Ахборот текстидан маълум бўлишича, Англия ва Франциянинг ҳукмрон доиралари Сувайш масаласида «зўровонлик позициясига» таянувчи сиёсатни ўтказишни бундан бўён ҳам давом этдирмоқчилар. Музокараларда қатнашганлар Хавфсизлик Кенгаши якдиллик билан маъқуллаган «бу резолюциянинг биринчи қисмидаги талабларга амал қилишга» қатъий бел боғлаганликларини айтганлар. Лекин шу билан бир вақтда улар резолюциядаги принципларни амалга оширишга келганда, «улар резолюциянинг иккинчи қисмига ҳам амал қилишга қарор бердилар» дейилади, яъни резолюциянинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан рад қилинган ва Сувайш каналини халқаро бошқармага топшириш тўғрисида конунсиз талабга асосланувчи «18 лар таклифи» деб аталган таклифни Сувайш масаласини ҳал этмоқ учун асос қилиб олишни кўзда тутган қисмига ҳам амал қилишга қарор берганлар.

Ғарб давлатларининг машум «каналдан фойдаланувчилар уюшмаси» тузиш йўлидаги уринишлари уларнинг Хавфсизлик Кенгашининг шу қарорини четлаб ўтишга интилаётганликларини кўрсатувчи далилларнинг биридир.

Матбуот хабарларидан маълум бўлишича, уюшмани тузиш анча қийинчиликларга учрамоқда. Уюшмага қўшилмоқчи бўлганликларини билдирган мамлакатларнинг анчаси каналдан фойдаланганликлари учун шу уюшмага ҳақ тўлашга рози эмаслар.

Аммо шундай бўлса ҳам, «Дейли телеграф энд Морнинг пост» газетаси дипломатик обзорчисининг мақоласидан маълум бўлишича, Англия ва Франция Миснри ўз планларини қабул қилдиришга мажбур этмоқчилар, башарти буни ҳеч ким олмасалар «ҳозирча самара бермаётган каналдан фойдаланувчилар уюшмасини таъсирли қуролга айлантириб, шу қурол воситаси билан Миснри ҳеч ким ўзгартирмоқчи бўлмаслигини ҳаяжонлик билан кузатиб турдик.

Делегация бошлиғи, Италия парламентининг депутати Акилле Корона матбуот учун берган баёнотида бундай деди.

Ўрта Осиёга ва айниқса Тошкентга келиш истаги бизда Римдан жўнаб кетишдан илгариёқ, делегация маршрути муҳокама қилинган биринчи мажлисимиздаёқ туғилган эди. Делегация аъзоларининг ўз сиёсий эътиқодлари ва

Польша сейминнинг X сессияси чақирилади

ВАРШАВА, 17 октябрь. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг давлат кенгаши Польша Халқ Республикаси сеймининг 10-сессиясини 1956 йил 23 октябрда чақиришга қарор қилди. Сессиянинг кун тартибида Польша Халқ хўжалигини 1956-1960 йилларда ривожлантириш беш йиллик планининг проекти, Польша Халқ Республикаси сеймига сайловлар тўғрисидаги низом, давлат кенгашининг қонунлари ва декретларини тасдиқлаш масалалари бор.

ИДЕН ВА ЛЛОЙД ЛОНДОНГА ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР

ЛОНДОН, 17 октябрь. (ТАСС). Англия бош министри Иден ва ташқи ишлар министри Ллойд бугун Париждан Лондонга қайтиб келдилар. Улар Парижда Франция ҳукуматининг раҳбарлари билан музокаралар олиб бордилар.

ЛИВАН ПРЕЗИДЕНТИ ШАМУН ЭРОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

БАЙРУТ, 17 октябрь. (ТАСС). Бугун Ливан республикасининг президенти Комил Шамун расмий визит билан Техронга учиб кетди. Хабар берилишича, Шамун Эронда етти кун бўлади.

ТЕАТРЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/X да **Холисхон**, 20/X да **Алишер Навоий**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 19/X да **Сурмахон**, 20/X да **Азиз ва Санам**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 3 бўлимда катта томошалар. **А. Г. Сокол** раҳбарлигида аттракцион — **«Муъжизасиз муъжизалар»**. Томоша кеч соат 8 да бошланади, 20/X да **икки марта томоша** кўрсатилади (кундуз соат 4 ва кеч 8 да).

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги югослав бадиий фильми **Қамал қилинган қалъада.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Солдат Иван Бровкин**, қолган сеансларда **Карусель.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — **Леди Гамильтон.**
«ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Иккинчи ёшлик.**
«ХИВА» — **Карусель.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
ЯҚИН КУНДА
1956/57 йил
МАВСУМИ ОЧИЛАДИ

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрида
ТЕЗ КУНДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
К. Гольдони асари
АЛОМАТ ҲОДИСА
3 пардали комедия.
И. Султонов таржимаси.
Режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Ҳўжаев, рассом— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби С. М. Миленин, композитор—В. А. Хаэт, балетмейстер— М. Н. Гердт.

РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА ВА ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
1957 йил учун
обуна қилинади
Обуна республиканинг барча почта бўлимларида, Тошкент почтамтида (иш соатларида), «Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида соат 9 дан 19 гача (дам олиш кунларида эса соат 9 дан 18 гача), шунингдек муассаса ва ўқув юртлари фабрика ва заводлар, колхоз, совхоз ва МТСларда ги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими—132, Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07504. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси № 1546.